Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 144 (5735).
25 ИЮНЬ 1985 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Сўз—ташаббускорларга*

БРИГАДА ҲАМ МАНФААТДОР



Пайвандчилар бригадири коммунист Дмитрий Атамановнинг «Ташсельмаш» заводида меҳнат қилаётганига 20 йилдан ошди. У ўзининг юксак касб маҳорати, ташкилотчилик қобилияти билан ҳамкасбларининг ҳурматига сазовор бўлган. Ишлаб чиқариш илғори II ва III даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари билан мукофотланган. У республикамизнинг 18 нафар новатори сафида партия анжуманн шарафига «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббуси билали чиқди. Бугун Дмитрий Атаманов съезд олди вахтаси ҳақида, юксак социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётгани ҳақида ҳикоя қилади.

— Кунлардан бир кун завод газетасида цехимиз слесарь-йиғувчиси Александр Хориннинг мақоласини ўқидим. Унда энг кўринарли ерга ўрнатишга арзигулик қуйидаги сўзлар бор эди: «Ишчи учун бир-икки кун зарбдор ишлаш эмас, йиллар мобайнида виждонан, тўла сафарбарлик билан меҳнат қилиш чинакам жасоратдир».

Биз ҳам коллективдаги ишни ўз-ўзимизга: «Қандай қилиб ҳамманинг вижодонан меҳнат қилишига эришиш мумкин?» деган саволни бериш билан бошладик.

Бизнинг пайвандлаш-йиғув цехимиз якуний маҳсулоти — пахта териш машиналарининг рамасидир. Илгари рамалар пайванд қилинадиган участкада уч бригада меҳнат қилар, ҳар бир бригада 7—8 кишидан иборат эди. Баъзан шундай бўларди. Айтайлик, йирик габаритли узелларни пайвандловчи бригада яхши ишлаб, сифат учун мукофот билан рағбатлантирилиши мумкин эди. Ана шу узел билан кейинги иш жараёнларида бошқа бригадалар камчиликларга йўл қўйиши, натижада раманинг сифатига путур етиши мумкин эди. Кўриб турибсизки, сифат учун пул тўланган, натижа эса кўнгилдагидек эмас.

Ҳаётнинг ўзи қуйидаги чорани тақозо этди. Ҳар бир коллектив тугал технология жараёнини бажариши, ўз меҳнатининг якуний натижаларини кўра олиши, энг муҳими унинг сифати учун жавоб бериши лозим. Шундай қилиб, уч бригадани бир бригадага бирлаштириш фикри пайдо бўлди. Участкада битта бригада ишлай бошлади. Ҳар биримиз участкада бажарилган барча жараёнларни ўзлаштирдик. Бунда бир-биримизга ёрдам бердик. Турдош касблар ўзлаштирилганидан сўнг икки йиғувчига хожат қолмади. Ҳозир уларнинг ишини пайвандчилар бажаришяпти.

Ушбу жараён натижалари яққол кўриниб турибди— агарда илгари уч бригаданинг сифат учун ўртача бали 3,5 бўлса, ҳозир бригадамизнинг ана шу кўрсаткичи 4,2 га тенг.

Ҳозир бирор ишчининг айби билан камчиликка йўл қўйилган бўлса, бундан кейинги жараёнда ана шу камчилик ҳеч сўзсиз тузатилади. Шунинг учун ҳозир маҳсулот сифатига ҳамма жавобгар. Ишчи масъулияти, ҳар бир кишининг манфаатдорлиги деб шуни айтадилар.

Илгари мен йирик габаритли узелларни пайвандловчи бригадага бошчилик қилар эдим, ҳозир умумий бригадамизга раҳбарлик қиляпман. Ҳамиша шундай ҳисоблар эдим ва ҳозир ҳам шундай ҳисоблайман: коллектив раҳбари ҳар соҳада ўрнак бўлиши лозим. Чунки ҳамма нарсани сўзда эмас, амалда исботлаш зарур.

Заводимиз механизаторлари кўпдан орзу қилган герметик кабинали пахта териш машиналарини ишлаб чиқаришга тайёрлай бошладилар. Қисқа вақт ичида талайгина ишларни бажариш лозим. Жумладан, 700 га яқин янги технология жараёнини ишлаб чиқиш, 900 дона ускунани лойиҳалаштириш ва тайёрлаш керак. Айрим участкаларни, шу жумладан бизнинг участкани реконструкция қилиш керак бўлади. 1986 йил январидан машина бош конвейердан туша бошлаши лозим. Янги кабинали машина учун рамалар пайвандлаш конструкциясини муддатидан илгари ўзлаштириш— ана шу ишга менинг қўшган ҳиссам бўлади. Партия съездини муносиб кутиб олиш юзасидан қабул қилган шахсий мажбуриятларимнинг бандларидан бирида шундай дейилган.

Кўпчилик мендан: «Бригадада ишлаб туриб, шахсан ўзинг қандай қилиб партия XXVII съезди шарафига 1986 йил 1 кварталги планини бажаришдек шахсий мажбурият олишинг мумкин?», деб сўрайди. Бунда ҳеч қандай зиддият йўқ. Зеро, якуний натижа ҳар биримизнинг шахсий ҳиссамизга боғлиқ. Албатта ҳамма бир хилда ишлай олмайди. Масалан мен ўз нормамни адо этиб бўлгач, қолоқлик қайд этилган ерда ёрдам беришим мумкин. Натижада фақат мен эмас (шахсий меҳнат иштироким коэффициенти 1,8 га тенг) бригада ҳам манфаатдор бўлади.

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ— КОММУНИСТЛАР АНЖУМАНИГА

КЕЛАСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА



Тошкентдаги асбобсозлик заводининг коллективи «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» шиори остидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида фаол иштирок этмоқда. Корхонанинг ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ана шу шонли сана шарафига ўз зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилдилар. Ишлаб чиқаришнинг мавжуд резервларидан фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини ошириш ана шу мажбурият бандларидан бирини ташкил этади.

Корхона 10-цехининг чарҳловчи Т. Каримжонов бошлиқ бригадасида ҳам ана шундай резервлар бор. Иш вақтидан унумли фойдаланиш, илғор иш усулларини кенг қўлланиш, турдош касбларни ўзлаштириш шулар жумласидандир. Ана шу резервлардан унумли фойдаланаётган бригадир смена топшириқларини камида 130 процент адо этиб, касбдошларига намуна бўлмоқда.

Бригадада маҳсулот сифатига ҳам катта эътибор берилади. Бу ерда металл қирқувчи асбоб-ускуналар фақат «аъло» баҳо билан тайёрланади.

Яқинда асбобсозларнинг катта бир группаси, шу жумладан Т. Каримжонов бригадасининг аъзолари ҳам шахсий йиллик топшириқларини адо этдилар. Ҳозир улар 1986 йил ҳисобига меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: чарҳловчи Т. Каримжонов.

В. Сироткин фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ТЕЗЛАШТИРИЛСИН

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети «Ҳамза район партия комитетининг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш асосида саноатда меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш бўйича иши тўғрисида»ги масалани қараб чиқди.

Шу масала бўйича қабул қилинган қарорда шаҳар партия комитети шуни таъкидлаб ўтдики, Ҳамза район партия комитети район саноат корхоналари бошланғич партия ташкилотлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорларини бажара бориб, саноатда, қурилишда, халқ хўжалигида, ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини жорий этишни тезлаштириш асосида меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш бўйича маълум ишларни амалга оширяптилар. Натижада беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида саноатда меҳнат унумдорлиги 22,5 процент ўсди, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 29,5 процент (беш йиллик планида кўзда тутилган 29 процент ўрнига) юксалди.

Шу билан бирга қарорда таъкидланадики, Ҳамза район партия комитетининг меҳнатнинг интенсивлашни оширишдаги, ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияни, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг илғор формаларини жорий этишдаги, план ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашдаги фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонлар бор. Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил), Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган фан-техника тараққиётини тезлаштириш масалалари бўйича кенгаш материаллари талабларига жавоб бермайди.

Район партия комитети район саноатини ривожлантиришнинг, фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланишнинг муҳим масалаларини эътибордан четда қолдирди, ишлаб чиқаришга самарадорлигини ошириш, фан ва техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида меҳнат унумдорлигини юксалтириш масалалари комплекс ҳал этилмаяпти. Корхоналар томонидан фан-техника тараққиёти ва ташкилий-техник тадбирлар планларининг бажарилишига, бу мақсадларга ажратилган маблағлар тўла ўзлаштирилишига етарли таъсир кўрсатилмайди. Натижада районда ҳар йили 10 процент корхона меҳнат унумдорлигининг ўсиши бўйича топшириқни уддалай олмаяпти.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари коммунистларнинг, экспериментал ва тажриба-механика заводлари инженер-техник ходимларининг ғайратини самарали ечимлар ва янги техника, шунингдек илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратилган таклифларини ўз вақтида амалга ошириш устидан доимий назорат ўрнатмаётгани, ишларнинг бориши ҳақида ўз вақтида ҳисобот эшитиб турмаётгани ҳам шундан далолат беради.

Шаҳар партия комитети Ҳамза район партия комитетининг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва фан-техника ютуқларини жорий этиш асосида меҳнатнинг интенсивлашувини оширишга, унумдорлигини юксалтиришга доир масалаларни ҳал этишга, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштиришни жорий этиш асосида меҳнат унумдорлигини кескин юксалтириш масалаларига етарли йўналтирмаяптилар. Фақат самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида программали бошқариладиган станоклар, автоматик манипуляторлардан муваффақиятли фойдаланиляпти. Бироқ районнинг бошқа корхоналарида рақамли программада бошқариладиган станоклар ва манипуляторлар яхши ишламаяпти.

Районда янги пахтачилик машиналари, юк кўтариш машиналари яратиш ва ўзлаштириш муддатлари, озиқ-овқат саноати учун ва қишлоқ хўжалиги учун ностандарт ускуналар, қурилиш конструкцияларини ва бошқа илғор технология яратиш ва ўзлаштириш муддатларига риоя қилинмаяпти. Пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси конструкторлик ва технология ечимларининг юксак даражада бўлишини таъминламаяпти.

Бу ерда коллективда кўп йиллардан бери принципиал янги техник хулосалар яратилмаяпти, сўнгги пайтларда ГСКБ мутахассислари томонидан ХС—01 ва ХС — 02 пахта териш машиналари давлат синови пайтида етарли даражада юксак техник даражада бўлмаганлиги учун ялпи ишлаб чиқаришга тавсия этилмади.

Фан-техника тараққиёти бўйича планлар одатда бажарилмайди, бир қатор корхоналар эса бу кўрсаткич бўйича умуман топшириққа эга эмас. Кўпгина корхоналарда қўл меҳнати салмоғини камайтиришга эътибор сусайди. Жумладан, озиқ-овқат саноати министрлигининг тажриба-механика заводида, «Узтрансспецстрой»нинг асфальт-бетон заводида, электр-монтаж буюмлари заводида, 2-уйсозлик комбинатида бутун иш ҳажмининг ярмидан ортиғи қўлда бажарилади. Айни пайтда партия ташкилотларининг эътиборсизликлари, хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиши натижасида район корхоналарида меҳнат шароитини анча яхшиласи ва унумдорликни ошириши мумкин бўлган 1800 та ўрнатилмаган ускуналар тўпланиб қолди.

Жойларда ҳали резервлар кўп. Район фақат ҳужжатлардан тўла фойдаланиш эвазига қўшимча 50 миллион сўмлик саноат маҳсулоти бериши мумкин.

Бир қатор корхоналарда социалистик мусобақани ривожлантиришда расмиятчилик мавжуд, жойларда меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирларидан дуруст фойдаланилмаяпти.

Районнинг учдан бир корхонасида иш жойларини аттестациялаш ва ишлаб чиқаришни рационализациялаш бўйича ишлар бошланмади. Районнинг 12 корхонасида бирон ҳам бригада хўжалик ҳисобига ўтказилмади, саноатдаги ва қурилиш индустриясидаги бригадаларда партия аъзолари миқдори оз.

Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитети Ҳамза район партия комитетига фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва фан-техника ютуқларини жорий этиш асосида меҳнаткашлар коллективини саноатда меҳнат унумдорлигини оширишга жалб этиш бўйича ишларни кучайтириш вазифасини қўйди. Район партия комитетига КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари ва ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетидаги кенгашда қилган «Партия иқтисодий сиёсатининг туб масаласи» докладидаги кўрсатмалардан келиб чиқиб, ташкилотчилик ва сиёсий ишлар услуб ва методларини такомиллаштириш, халқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ва қисқа муддатларда олдинги марраларни эгаллаш таклиф этилди.

Ҳамза район партия комитетига, район ижроия комитетига корхона раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари, барча коммунистларнинг диққат-эътиборини партия иқтисодий сиёсатининг туб масалалари — меҳнат унумдорлигини ўстиришга, фан-техника ютуқларини тезроқ жорий этишга, мавжуд қувватларни ўзлаштириш ва тўла фойдаланишга, ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва техник қайта қуришга, илғор технологияни ва юксак самарали машина ва ускуналарни жорий этишга қаратиш таклиф этилди.

Район партия комитетлари қошидаги иш самарадорлиги ва сифати бўйича комиссиянинг, шунингдек директорлар кенгашининг фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва қайта қуроллантириш, робот-техникани, автоматлашган линиялар ва ҳисоблаш техникасини жорий этиш, бу соҳада самолётсозлар тўплаган тажрибани кенг ёйиш ва корхонанинг йирик миқёсли иқтисодий эксперимент шароитида ишлашга тайёрлаш борасидаги фаолиятини активлаштириш таклиф этилди.

КОНТРОЛ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Тошкент область партия комитетида область партия комитетлари ҳузуридаги партия комиссиялари раислари ва аъзоларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, район партия комитети ҳуқуқи берилган парткомлар секретарлари, партия комиссияларининг раислари ва аъзолари иштирок этдилар.

Область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов семинар-кенгашда «Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида партия комиссияларининг партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, контрол қилиш ишини такомиллаштириш, партия турмуши нормалари бузилишига қарши курашни кучайтириш соҳасидаги вазифаларни тўғрисида» доклад қилди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари, шунингдек, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудиннинг «Партия комиссиялари ишига раҳбарлик ҳамда уларнинг партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашдаги ролини ошириш тўғрисида», область халқ контроли комитетининг раиси Б. С. Камоловнинг «Область халқ контроли органлари социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш учун курашда», область прокурори Э. Жўраевнинг «Область маъмурий органлари партия ва ҳукуматнинг социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш - тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш учун курашда» мавзуидаги докладларини тингладилар.

Партия комиссиялари ўзаро иш тажрибаларини алмашдилар.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия комиссияси раиси Р. Ҳ. Абдуллаев нутқ сўзлади.

Семинар-кенгашда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди.

РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЮБИЛЕЙИГА

«Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биринчи раиси — Йўлдош Охунбобоев туғилган куннинг юз йиллигига республиканинг мана шу атоқли давлат ва сиёсий арбоби танланган асарлари тўпламини босиб чиқарди. Тўпламга И. Охунбобоев мақолалари ва нутқлари, унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида қисқача очерк киритилган.

Нашриёт «Халқнинг содиқ фарзанди» деган китобчани ҳам босиб чиқарди. Китобчада И. Охунбобоев Ўзбекистонда социализм қурилишига ғоят катта ҳисса қўшганлиги ҳақида, унинг ҳаёт йўли тўғрисида ҳикоя қилинади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ҳ. Т. Турсунов китобча авторидир.

Тўплам билан китобча ўзбек ва рус тилларида босиб чиқарилди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМИГА— ОЛТИН МЕДАЛЬ

24 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси П. Қ. Ҳабибуллаевга юксак температурали ядро реакторлари учун янги материаллар ишлаб чиққанлиги учун БМТ Маънавий мулк жаҳон ташкилотининг 1985 йилги олтин медали топширилди. Ечимнинг автордошларига фахрий дипломлар берилди.

Мукофотни Маънавий мулк жаҳон ташкилоти бош директорининг ўринбосари Л. Е. Костиков топширди.

У ўз нутқида кейинги йилларда Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар даражаси анча ошганлигини қайд этиб ўтди. Масалан шу йилнинг ўзидагина Маънавий мулк жаҳон ташкилотининг маълумотларига кўра, республика олимлари ва ихтирочилари олган авторлик гувоҳномалар ҳажми икки баравар кўпайди.

(ЎзТАГ).

МАКТАБ ИСЛОҲОТИ—АМАЛДА

БУГУН

Республика Кино уйида ҳунар-техника таълими системасидаги ташкилотлар ва ўқув юртларн раҳбарларининг умумий ўрта таълим ва ҳунар мактаби ислоҳотининг асосий йўналишларини амалга ошириш масалаларига бағишланган уч кунлик семинари ўз ишини бошлади. Унда бир неча докладлар тингланди. Нотиқлар КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми қарорларини бажариш борасида ҳунар-техника таълими системасидаги ташкилотлар ва ўқув юртларининг ташкилотчилик иши, ўрта ҳунар-техника билим юртларида ўқув-тарбия жараёнини қайта қуриш борасида методик ишларининг аҳамиятини ошириш, мактаб ислоҳоти талабларн асосида ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада такомиллаштиришда педагогика коллективларининг ишлари тўғрисида гапирдилар.

Семинар қатнашчилари шаҳримиздаги 11, 12, 14, 29-ҳунар-техника билим юртларида бўлиб, педагогика коллективларининг ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш борасида олиб бораётган янги ишлари билан танишадилар. Шунингдек, семинар қатнашчилари корхоналар қошидаги билим юртларининг ҳозирги жўшқин фаолияти билан танишадилар.

МАРОҚЛИ СУҲБАТ

Ўрта Осиё медицина педнатрия институтида қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. Учрашув шу куннинг долзарб муаммоси ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курош масаласига бағишланди.

Студентлар «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатиш чоралари ҳақида», «Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашда жамоатчилик ва оиланинг роли» мавзуларида суҳбатлар тингладилар. Лекторлар ичкиликбозликнинг ҳунук оқибатларга олиб келишини жонли мисолларда ифодалаб беришди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

● Ўзбекистон маҳаллий саноат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари келгуси ойда республика халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш этиладиган зардўзлик буюмлари кўргазмасини тайёрлашга киришдилар. Унда қадимий ҳунармандчилик анъаналарини давом эттириб келаётган Бухоро зардўзлари тайёрлаган буюмлар намойиш қилинади.

● Тошкент шаҳар партия комитети қошидаги меҳнаткашлар иқтисодий таълими доимий кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Фрунзе райони совет, касаба союз ва комсомол органларининг экономика ва тежамкорлик учун курашда иқтисодий мактаблар ва семинарлар тингловчиларининг ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш, Акмал Икромов районида ўқувчилар ва студент-ёшларни иқтисодий билимларга тайёрлашнинг аҳволи, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида иқтисодий таълимнинг аҳволи тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Бундан ташқари В. Д. Журин номидаги Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтининг иқтисодий билимлар ва илмий-техника тараққиёти халқ университетининг иши кўриб чиқилди.

● В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ходимлари Ўзбекистоннинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан кўчма кўргазма ташкил қилдилар. Кўргазма атоқли партия ва давлат арбобининг жўшқин фаолияти, унинг республикада улкан социалистик қурилишларни олиб боришга кўшган улкан ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилувчи жуда кўп ҳужжатлар, фотолар, ашёлар, буюмлардан иборат.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 32 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 22—24, эртага кундузи 37—39 даража иссиқ бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида самарали ишлаганлиги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўринбосари ўртоқ Эркин Қаҳҳорович Ҳайитбоевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёнғинда қолган боланн қутқаришда мардлик ва жасорат кўрсатганлиги учун Ш. Рашидов номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг инженери ўртоқ Ирина Александровна Шеферни СССР Олий Совети Президиуми номидан «Ёнғинда жасорат кўрсатганлик учун» медали билан мукофотлади.

ФАРМОН САТРЛАРИ ЗАМИРИДА

Тошкент шаҳар 2-Сергели кварталидаги уйлардан бирининг саккизинчи қаватига жойлашган квартира деразаларидан қуюқ тутун бурқсиб чиқаётган эди. Қўшни квартирада яшовчи Тошкент тўқимачилик комбинатининг инженери И. А. Шефер балконга югуриб чиқиб, ўт кетган квартирадан бола йиғисини эшитиб қолди. Ирина Александровна ўйлаб ўтирмай, ҳаётнинг хавф остида қолдирнб, қарийб ўттиз метрли баландликда қўшнисининг балконига ошиб ўтди ва баъзан эгилиб, баъзанда эса эмаклаб гўдакни қидира бошлади. Аччиқ тутун бошини кўтартирмай, кўз очирмас эди. У боланн пайпаслаб қидира бошлади. Боланинг йиғлашга ҳам ҳолн қолмаган эди. Бир хонани қидириб чиқди—йўқ, иккинчисида ҳам йўқ... Фақат учинчи хонадагина каравот остидан, ниҳоят, етти ёшлн ўғил боланн топди. Жасур аёл боланн бағрига босиб, тутун ва аланга эътибор бермай, ўзини эшикка отди, унн очиб боланн аланга ичида қолган квартирадан ташқарига олиб чиқди. Ўт ўчирувчилар келишганида бола хавф-хатардан ҳолн эди. (ЎзТАГ).

Касбга иштиёқ ҳаммада ҳар хил бошланади. Раъно эса ўқувчилик пайтидаёқ тикувчиликка ҳавас қўйди. У Маннон Уйғур номли 22-ўрта мактабда ўқиб юрганида меҳнат дарсида кичкина-кичкина кўйлакчалар тикар, бундан ўзи ҳам хурсанд бўлар эди. У саккизинчи синфни тугатиб, 5-шаҳар техника билим юртига ўқишга кирди. Билим юртида у тикиш сирларини пухта ўрганди. Бунда унга педагог-мастерлар яқиндан ёрдам беришди.

Билим юртини муваффақиятли тугаллаган Раъно Абдуллаевага Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 10-цехига йўлланма беришди. Унга моҳир мураббий, ветеран ишчи Мария Семеновна Жеркова устозлик қилди. Устози Мария Семеновнанинг ғамхўрлиги унинг касбга бўлган меҳрини янада оширди.

— Менга устозим Мария Семеновна маркаловчилик касбини меҳр-муҳаббат билан ўргатди, —дейди Р. Абдуллаева. — Аввалига бироз қийналдим. Лекин қийинчиликлардан чўчимадим, чунки, севимли устозим чидамли, саботли бўлишга ўргатди. Касбга муҳаббатни ана шу устозимдан ўргандим десам хато бўлмайди.

Йиллар, ойлар ўтиши билан Раънонинг тажрибаси ортиб борди. У илғорлар қаторидан ўрин олди. Цех коллективига танилди, корхонада ҳурмат-эътибор қозонди. Бу ҳурмат ўз-ўзидан келдими? Асло, у чидам билан меҳнат қилди. Тер тўкиб, ташаббускорлик ва ташкилотчилик намуналарини кўрсатди. Корхона жамоат ишларида фаол қатнашди. 1983 йил Раънонинг қалбида бир умрга эсда қоладиган воқеа содир бўлди. Ҳамкасблари катта ишонч билдириб, уни шонли КПСС сафига қабул қилдилар. У меҳнатда ҳамиша олдинда борар, энг қийин ишларни топширишларини сўрарди. Бу коммунистга хос фазилатдир.

Шу кунларда у Валентина Куравлева бригадасида меҳнат қилмоқда. Бригада цехда пешқадамликни қўлдан бермай келаяпти. Бунда коммунист Раъно Абдуллаеванинг ҳам ҳиссаси каттадир. Цехда кримплен костюм-шим тикилади. Бу маҳсулотлар халқимизга манзур бўлмоқда.

Ҳозир Р. Абдуллаева 1986 йилнинг январь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Унинг ҳамкасбларидан ВЛКСМ аъзолари Гулнора Ҳамидова, Зебо Савобова, Маърифат Насриддинова, Комила Тегенова, КПСС аъзоси Шоҳида Саъдуллаевалар ҳам ҳамиша кунлик, ойлик план топшириқларни 120— 130 процентдан ошириб бажармоқдалар. Уларнинг шиорлари илғорлар сафида бўлишдир.

ВЛКСМ аъзолари, маркаловчилар Клара Султонова, Муҳайё Мирсаидова, Жамила Мўминова, Жамила Усмонқуловалар толмас ишчи Раъно Абдуллаеванинг идрокли шогирдларидир. Улар ҳамиша устозларига эргашадилар. Уларнинг устози касаба союз ташкилотчиси, цех касаба союз комитети раисининг ўринбосари, бирлашма касаба союз комитети аъзосидир. Бу ишларни у аъло даражада бажармоқда.

— Раъно энг илғор ишчилардан, — дейди 10-цех бошлиғи Светлана Наумовна Белоглазова,— одоблилиги, камтарлиги, меҳнатсеварлиги билан ҳамкасблари ҳурматини қозонган. Унинг энг яхши фазилати меҳнатсеварлик. У ҳамиша олдинги сафда юради. Энг қийин юмушларни бажаради. Меҳрибон мураббий. Ҳамкасбларидан маслаҳатларини аямайди. У Тошкент шаҳар Советининг депутати сифатида ҳам кўп ишлар қиляпти.

Кимки ҳалол меҳнат қилиб, эл хизматидан четда турмас экан, обрў топади. Буни оддий ишчи Раъно Абдуллаева мисолида яққол кўриш мумкин. Шундай ҳурматни унга шарафли меҳнати келтирди. Зеро, халқимиз «Меҳнат қилиб топганинг— қанду-асал тотганинг» деб бежиз айтмаган.

... Мана, навбатдаги смена тугади. Бирлашма дарвозасидан озғингина, ўрта бўйли ишчи қиз ҳамкасблари билан чиқиб келмоқда. Унинг кўзлари порлаб турибди. У бугунги қилган меҳнатидан шод. Лекин, унинг бугунги ишлари тугагани йўқ. У депутатлик бурчини, халқ наказларини бажариши керак.

Ҳ. ИНОҒОМОВ,
ишчи-мухбир.

• Депутат ва ҳаёт

МЕҲНАТ БАХТИ





• Тошкент—янгича анъаналар шаҳри

ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА

Киров районидаги Фирдавсий маҳалласида яқинда пайдо бўлган хиёбонни аҳоли «Ғалаба» деб атади. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига шу номни беришди. Айни пайтда хиёбонни барпо этиш учун маҳалла аҳли бир неча йил мобайнида самарали меҳнат қилиб, ўзига хос ғалабага эришгани учун ҳам шундай деб аташди. Зеро, ҳар йили ўтказилган ҳашарларда бутун маҳалла аҳли— каттадан кичиккача умумий ишга ҳисса қўшди.

Иш бўш майдонни тозалашдан бошланди. Чунки ҳозир гуллар экилган хиёбон ўрнида илгари ахлатхона бор эди. Чиқиндилар тоғ-тоғ бўлиб кетган эди. Ушбу қаровсиз территорияни қандай тозалаш ҳақида кўп гап бўларди. Лекин, гап гаплигича қолиб кетарди. Кунлардан бирида лак-бўёқ заводи меҳнат ветерани Ҳамид Эргашев ўзининг беш ўғли ва куёвларини ёнига олиб территорияни тозалашга киришди. Тўғри, у ҳамма ишни охирига етказа олмасди. Худди шунда маҳаллада яшовчи бошқалар ҳам хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшишга киришдилар. Район «Автодормехбаза»си ёрдамга келгач, иш янада қизиб кетди.

Кейин ана шу бўш майдонда маҳалла аҳли тўпланадиган жамоат жойи—чойхона қуришга киришилди. Айни пайтда унинг атрофларини гулзор қилиш, хиёбоннинг ўртасига Улуғ Ватан уруши жангларидан қайтмаган икки юз маҳалладош хотирасига мармар ёдгорлик ўрнатишга аҳд қилинди. Энг муҳими, бу ишларнинг барчаси ҳашар йўли билан бажариладиган бўлди. Қурилиш ишларига маҳалла кексалари — маҳалла комитети раиси, Улуғ Ватан уруши ветерани, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, коммунист Содиқ Содиқов, «Ташсельмаш» заводи қуювчиси Шароф Қосимов ва Ҳамид Эргашев бошчилик қилишди. Улар ўзига хос комплекс бригадага раҳбарлик қилишди. Бу бригадага ғишт терувчи ва сувоқчи К. Шокиров, уруш ветерани, дурадгор Ф. Кочкин, пайвандчи Р. Қосимов, А. Имомжонов, А. Турсунов киритилди. Бу зарбдор группага бутун маҳалла аҳолиси ёрдам берди. Асосан дам олиш кунлари ишлашди.

Мана, энди чойхонанинг ёруғ ва кенг хонаси қад кўтарди. Унинг атрофида гуллар, дов-дарахтлар ям-яшил бўлиб турибди. Уларни меҳр билан парвариш қилишяпти. Чойхона ёнида врач навбатчилик қилиши учун медицина пункти хонасини қуришди. Бу ерга райондаги поликлиникалардан мутахассис врачлар консультацияга таклиф этиладилар. Чойхонада пардозлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Лекин ҳозироқ чойхона иш бошлаб юборди. Бу ерда бир пиёла чой устида маҳалланинг «Ғалаба» клуби ташкил этган қизиқарли учрашувларда қатнашиш, долзарб мавзудаги лекция ва суҳбатларни эшитиш мумкин. Клубга жамоатчилик асосида Ҳамид Эргашев бошчилик қиляпти. Чунончи, яқинда юристлар иштирокида ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш мавзуида қизиқарли суҳбат бўлди. Шу куни шундай қарорга келинди— чойхонада спиртли ичимлик ичилмаслиги керак.

Худди шу клубда маҳалла аҳли Ғиёс Нурхонов ва Меҳри Соқиеванинг олтин тўйини нишонлади. Ғиёс ота ҳозир 80 ёшда, у 30 йилдан ортиқ электрмеханик бўлиб ишлаган, 30-йилларда чавандозлик бўйича республика чемпиони бўлган. Ҳозир ҳам маҳалла ишларидан четда турмайди. Ғиёс ота билан Меҳри опани унинг фарзандлари, набиралари ва бутун маҳалла аҳли қизғин табриклашди. Энг муҳими, дастурхонга ичкилик қўйилмади.

Фирдавсий маҳалласидаги жамоат маркази унинг аҳолиси кучи билан барпо этилди. Бу ерда хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Келгусида маҳалла янада чирой очади.

Р. ЗАГРАДДИНОВ.
Автор фотолари.

СУРАТЛАРДА: ташландиқ жой ўрнида барпо этилган «Ғалаба» хиёбонининг кўриниши.

АКС САДО

Топишмоққа оқшомхонлар жавоб беришади

«ФОТОТОПИШМОҚ»

Маълумки, газетанинг 1985 йил 31 май сонида юқоридаги янги рубрикани очиб, унда жамоатчи фотомухбиримиз Ҳ. Мирзакаримовнинг антиқа суратини оқшомхонлар эътиборига ҳавола этган эди. Бир неча йилдан бери қаровсиз ётган улкан хандақни «Сиз нима деб атардингиз!»— деган саволимизга кўпчилик мактуб йўллаб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда. Уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

«БЕЧОРА ХАНДАҚ»

1980 йил қазилган бу «тарихий» объект Юнусобод массивидаги «Шодлик» микрорайонида (60э, 72э, 91э, 97, 49, 82, 83-автобусларнинг «Бульварная» бекати ёнида) жойлашган. Ўшанда бу ерга тўққиз қаватли уй қурилармиш, тағи нон магазини, дорихона бўлармиш деб гап тарқалган эди. Бундан албатта севиниб, бошимиз кўкка етди. Аммо ёз ўтди, қиш ўтди. Хандақ хандақлигича қолаверди. Қош қорайгач одамлар ахлат челакни кўтариб хандаққа йўл оладилар. Ёғин-сочинда, ер ости канализациялари шикастланганда бу ер ифлос кўлмакка айланади. Қишда эса ўзига хос яхмалак бўлади. Хуллас, ҳам ахлатхона, ҳам кўл, ҳам яхмалак. «Қурувчилар шошилмагач, нима ҳам қила олардим. Осмонўпар уй бўлмасам тоғ мисоли ахлатхона бўларман. Ёз бор, қиш бор, ахир бир кун ахлат билан тўларман», — дейди бечора хандақ.

Н. УСМОНОВА,
журналист,
Юнусобод массиви, 14-квартал 19-уй.

ХЎЖАСИЗЛИК ЭМАСМИ?

«Фототопишмоқ» янги рубрикаси бизга маъқул бўлди. Бинобарин шаҳримизда бундай топишмоққа айланиб ётган жойлар жуда кўп.

Юнусобод массивининг «Шодлик» микрорайонидаги бу ташландиқ улкан хандақни мен ҳам кўрганман. Менга қолса уни ахлатхона ва ёғин-сочинда оқмас кўлга айланиб ётган бақалар макони деган бўлардим. Хўжасизлик ҳам шунчаликми?

Д. ШАМСИЕВА,
Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 41-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

АНТИҚА ТОМОША

Газетада «Фототопишмоқ» чиққач, атайлаб «Шодлик» микрорайонига бориб, бу антиқа хандақни томоша қилдим. Ҳолига маймунлар йиғлайди. Назаримда бечора хандақ кўзларини мўлтиратиб, «мени қазиб шу аҳволга ташлаб қўйган қурувчиларни кўрмадингизми» деяётгандай туюлади. Ўзингиз ўйланг, шунча тупроқни қазишнинг ўзи бўладими? Керак эмас, экан, нега кавлашди? Зарур бўлгач уни яна ахлатдан тозалаш керак. Бу бир ишни икки иш қилиш, хўжасизлик эмасми? Бу хандақ қачонгача «Шодлик»нинг ҳуснига доғ бўлиб ётади?

А. ҲАСАНОВ,
юрист.
Юнусобод массиви, 14-квартал 5-уй.

Ғирт антисанитария-ку!

Яқинда шу хандақнинг ёнидан ўтиб кетаётган эдим. Димоғимга гуп этиб нохуш ҳид урилди. Ичи тўла ахлат. Кунлар исияпти. Ҳадемай, бу ер пашшалар маконига айланиши турган гап. Наҳотки, бунга мутасадди ташкилотлар бефарқ қарашса. Бу ғирт антисанитария-ку!

Ш. БЕГҚУЛОВА,
врач.

РЕДАКЦИЯДАН: Шунингдек, «Фототопишмоқ»қа жавоб йўллаган Ш. Қамбаров, Б. Абдувосилов, Ш. Холматов, И. Орипов, Ф. Жаҳонгирова ва бошқаларга редакция ташаккур билдиради. Ўйлаймизки, Киров район Советн ижроия комитети газетхонларнинг жавобига қўшилади ва бу ташландиқ хандақни ўз назоратига олади.

Фотоҳаваскорлар диққатига!

МАРҲАМАТ, ҚАТНАШИНГ

КПСС XXVII съездига қизғин тайёргарлик кетаётган айни дамларда ҳамшаҳарларимиз жонажон шаҳримиз Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун астойдил курашмоқдалар.

Аммо шаҳар кўчаларида, квартал ва массивларда шолининг орасидаги курмак каби кўзга ташланувчи доғлар, нуқсонлар мавжуд. Уни ўткир ҳажв остига оладилар ва суратга туширйб бизга йўллайдилар деб умид қиламиз.

Бугун эса сизларнинг эътиборингизга яна бир фототопишмоқни ҳавола этмоқдамиз. Фотомухбиримиз. Т. Каримов суратга олган ушбу телефон будкалари нима дейди! Уларнинг эшиклари қайда! Уларнинг бундай ночор ҳолга тушиб қолишига нима сабаб бўлди экан! Сиз ўз изоҳингизни қандай атаган бўлардингиз!



Буни кўпчилик бўлиб бартараф этишимиз керак. Шу боисдан ҳам биз янги очилган рубрика орқали кенг жамоатчиликка, оқшомхонларга, фотоҳаваскорларга мурожаат қилиб, шаҳримиз ҳуснига доғ бўлиб тушаётган айрим нуқсон ва камчиликларни балки бу соқов телефонларнинг қаерда жойлашганини ва қачон ишлашини ҳам айтиб берарсиз!! Хуллас, сизларнинг қимматли фикр ва мулоҳазаларингиз битилган мактубларингизни ва ана шундай фототопишмоқларингизни кутамиз.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ҚАЙДАСИЗ, АВТОБУСЛАР»

Газетанинг шу йил 21 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада автобус маршрутларидаги камчиликлар танқид қилинган эди.

Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасидан олинган жавобда айтилишича, мақола Бош бошқармада кўриб чиқилди. Шунингдек, 3, 7-автопарклар ҳайдовчиларининг кенгайтирилган йиғилишларида муҳокама этилди. Маршрутни ўзгартиргани ва пассажирлар ташиш қоидасини бузгани учун ҳайдовчи Ш. Комилов бир ой муддатга кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилди. Ҳозир линияларга графикка мувофиқ планда кўзда тутилган миқдорда автобуслар чиқарилиши таъминланаяпти.

«БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ»

Газетанинг шу йил 5 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола берилган эди. Мақолага шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига қарашли «Автодормехбаза» ишлаб чиқариш трести бошқарувчиси Ш. Мирзаевдан қуйидаги жавоб олинди.

Мақолада келтирилган фактлар жуда ўринли. «Автодормехбаза» ишлаб чиқариш трестининг хизматчилари мақолада кўрсатилган кўчада бўлишиб, у ердаги камчиликлар билан танишишди.

Бугунги кунда Ҳамза районидаги «Автодормехбаза» хизматчилари билан бу ерда йиғилиб қолган барча чиқиндилар йўқ қилинди. Кўчада чиқиндиларнинг уюлиб қолмаслиги устидан назорат ўрнатилди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

АНИҚЛИКНИ ЁҚТИРУВЧИЛАР УЧУН

БЕЛГРАД. «СССРда тайёрланган» сўзлари ёзилган соатлар Югославиядаги салкам 20 миллион аҳолига пухта хизмат қилиб келмоқда. Ҳар йили маҳаллий магазинларнинг пештахталарида 400 мингдан кўпроқ шундай соатлар пайдо бўлмоқда. Булар — кундалик турмушда ғоят асқотадиган «Ракета», «Полёт», «Луч», «Чайка», «Слава», «Заря», «Восток», «Маяк», ҳамда бошқа моделдаги аниқ вақт механизмларидир. Буларнинг ҳаммаси ЮСФРда ғоят манзур бўлиб, муносиб шуҳрат қозонди.

Ҳозир Югославия пойтахтида ўтаётган «Совет соатлари» виставкаси Совет Иттифоқи соат саноатининг муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилади. Совет соатларини маҳаллий бозорга етказиб бераётган асосий бирлашма — «Рапид» фирмасининг бош директори Радислав Дуканац экспозицияни оча туриб шуни таъкидладики. СССР корхоналари билан ҳамкорлик тўғрисидаги биринчи битим имзоланган 1958 йилдан буён маҳсулот етказиб бериш ҳажми 20 баравар кўпайди.

Югославлар мамлакатга биринчи марта келтирилган «Старт» маркали совет соатларини ҳали унутганлари йўқ, бу соатлар ўзининг аниқлиги туфайли ҳамон ўз эгаларига пухта хизмат қилиб келмоқда. Ҳозир СССРдан Югославия бозорига соатларнинг 100 дан кўпроқ турли моделлари экспорт қилинмоқда, бу соатлар ўзининг безатилиши ва юксак сифати жиҳатидан Швейцария ҳамда Япония соатлари билан муваффақиятли рақобат қилмоқда.

Совет корхоналари билан ҳамкорлик формаларида ҳам сифат ўзгаришлари рўй берди. Чунончи, Югославия усталари Москвадаги 2-соат заводи билан «Инса» корхонаси ўртасидаги саноат кооперацияси асосида «Слава-Инса» будильникларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Бу соат жуда харидоргирдир.

МОНГОЛИЯДА ЭНГ КАТТА

УЛАН-БАТОР. 1984 йилги умумхалқ социалистик мусобақасидаги муваффақиятлари учун Багануур кўмир разрезининг интернационал коллективига МХРП Марказий Комитети, МХР Министрлар Совети, Монголия касаба союзлари марказий кенгаши ва революцион ёшлар союзи марказий комитетининг Қизил байроғи топширилди. Randомчилар эришилган муваффақиятни мустаҳкамлашга интилиб, бу йил мамлакатга қўшимча 175 минг тонна кўмир етказиб беришдан иборат янги оширилган мажбуриятни қабул қилдилар.

Ҳозирги Баганур — Совет Иттифоқидан етказиб берилган қудратли одимловчи экскаваторлар, кўп юк ташийдиган ағдарма машиналар ва бошқа серунум техника билан таъминланган замонавий корхонадир.

Монгол кончилари совет ҳамкасбларининг тажрибасига алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ерда 60 та «Найрамдал — Дўстлик» қўшма бригадалари ва экипажлари ишлаб турибди. Улар барча янги ва илғор нарсаларнинг чинакам мактаби бўлиб, Монголия ёшларини меҳнатсеварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашни яхшилашга талай даражада кўмаклашмоқда.

Баганур кўмир разрези лойиҳадаги қувватига эришгач, мамлакатнинг марказий районларини ёқилғи билан таъминловчи Монголиядаги энг катта манба бўлиб қолади ва ҳар йили олти миллион тонна кўмир етказиб беради.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

КОПЕНГАГЕН. Бу ерда эълон қилинган тадқиқот авторлари Дания пойтахтида ишлаб чиқаришни камайтириш жараёнини фалокатли деб атадилар: 1950 йилдагига нисбатан Копенгагендаги саноат корхоналарининг ўзидагина иш жойлари 60 процент камайган. Шаҳарда расмий равишда рўйхатдан ўтган 41 минг ишсиз бор. Бироқ, дейилади Копенгаген ишчилари касаба союзлари бирлашган ташкилоти томонидан тайёрланган ҳужжатда, ишсизларнинг ҳақиқий сони 102 минг кишига етади. Соғлиқни сақлаш, маориф системасида ва аҳолига хизмат кўрсатиш системасида банд бўлган кишиларнинг иш жойидан маҳрум бўлиш хавфи аниқроқдир.

Ишсизлик кўпайишининг асосий сабабларидан бири мамлакатдаги энг йирик шаҳар эҳтиёжлари учун ажратиладиган маблағнинг камайтирилганлигидир. Сўнгги уч йил ичида Дания пойтахтининг бюджети 14 процент қирқиб ташланди. Ҳозир ҳукумат шаҳар маъмурларини шаҳар учун ажратилган маблағнинг яна 10 процентини «тежашга» мажбур қилишга уринмоқда. Копенгаген обербургомистри Э. Вайденкампнинг сўзларига қараганда, шаҳар бюджетидаги камомад бу йил 500 миллион кронани ташкил этади. Муниципалитет раҳбарлари бу аҳволдан социал эҳтиёжларга сарфланадиган маблағларни камайтириш ҳамда даромад солиғи ва коммунал солиқларни ўртача 5 процент ошириш йўли билангина қутилиш мумкин деб ҳисобламоқдалар.

***

КАРАКАС. Венесуэладаги Маракайбо шаҳрида — Сулия штатининг маъмурий марказида Қўшма Штатлар суверен Никарагуага қарши олиб бораётган эълон қилинмаган урушга қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Унда ишчилар ва хизматчилар, студентлар, уй бекалари иштирок этдилар. Намойиш шаҳар марказида митинг ўтказиш билан якунланди. Митингда сўзга чиққан нотиқлар Рейган маъмуриятининг Никарагуага қарши тажовузкорлик сиёсатини қораладилар, улар Америка империализмининг ҳеч қандай кирдикорлари бутун халқ номидан ва халқ манфаатлари йўлида амалга оширилаётган сандиночилар революциясини орқага буриб юбора олмайди, деб ишонч билдирдилар. Намойиш қатнашчилари АҚШнинг Никарагуага бевосита қуролли бостириб киришига қарши қатъий норозилик билдирдилар.

***

ОТТАВА. Канада пойтахтида инсон ҳуқуқлари борасидаги мутахассисларнинг кенгаши тугади. Бу кенгаш Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш қатнашчилари бўлган давлатларнинг Мадриддаги учрашуви қарорига мувофиқ чақирилган эди. Унда 35 мамлакат, жумладан Совет Иттифоқи делегацияси иштирок этди.

Кенгаш АҚШ бошчилигидаги НАТО мамлакатларининг шахсиятпараст позициялари сабабли ҳеч қандай якуиловчи ҳужжат қабул қилмади. Улар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг энг муҳим ҳаётий проблемаларини жиддий муҳокама қилиш ўрнига сафсатабозлик қилиш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилдилар.

***

ЖЕНЕВА. Бу ердаги халқаро конференциялар марказида фаластинлик араб халқи билан бирдамлик митинги бўлиб ўтди. Бу ерда ўтаётган халқаро меҳнат ташкилоти бош конференцияси сессиясининг кўп сонли қатнашчилари араб ерларини Исроил босиб олганлигини, араб аҳолиси ҳуқуқлари қўпол бузилаётганлигини, шунингдек Қўшма Штатлар қўллаб-қувватлаган Тел-Авивнинг тажовузкорлик йўлини қаттиқ қораладилар. Совет Иттифоқи барча манфаатдор томонларнинг иштироки билан Яқин Шарққа оид халқаро конференцияни чақириш ҳамда фаластин халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақил давлат барпо қилиш қонуний ҳуқуқини тан олиш йўли билан коллектив куч-ғайрат сарфлаш орқалигина Яқин Шарқ можаросини ҳар томонлама ҳал этиш мумкин деб ҳисоблайди, деди сессиядаги совет делегациясининг бошлиғи Л. А. Костин. Вазиятга берилган бундай баҳони бошқа нотиқлар ҳам қўллаб-қувватладилар. Африка мамлакатларининг вакиллари фаластинликларнинг сионист босқинчиларига қарши кураши жанубий Африка халқларининг апартеид режимига қарши кураши билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидладилар.

***

ТОКИО. Япония социалистик партияси марказий ижроия комитетининг раиси Масаси Исибаси ҳукуматнинг ҳарбий тайёргарликни тўхтовсиз авж олдириш йўлидаги сўнгги чеклашларни олиб ташлашга уринишига қарши курашни энг муҳим сиёсий вазифа деб атади. У Япония социалистик партияси префектура комитетлари секретарларининг Атами шаҳрида очилган кенгашида сўзга чиқиб, Накасонэ ҳукумати Японияда расмий равишда амал қилиб келаётган ялпи миллий маҳсулотнинг 1 процентини қуролли кучлар эҳтиёжлари учун сарфлашни кўпайтириш лимитини яқин ойлар ичида бекор қилмоқчи эканлигини айтди. Ҳозирги ҳукумат, деб таъкидлади Исибаси, Японияни урушдан олдинги ҳарбий тўда ҳукмронлик қилган зулмат даврига қайтаришга очиқдан-очиқ уринмоқда.



Мозамбик Халқ Республикаси ҳаётида мустақиллик йилларида катта ўзгаришлар рўй берди. Мамлакат экономикаси юксалиб, социал ва маданий соҳаларда ҳам бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Ҳозирги кунда мамлакат бўйича 85 процент маҳсулот план бўйича ишлаб чиқарилмоқда. Давлат корхоналарида ялпи маҳсулотнинг 70 проценти тайёрланаяпти. Шу билан бирга мамлакат бир қатор чет давлатлар билан ташқи савдо алоқаларини ўрнатган.

СУРАТДА: Мапуту портида юк тушириш.

АРХЕОЛОГЛАР ТОПИЛМАСИ

Туркиянинг Диёрбокир шаҳри яқинида қадимги одамларнинг макони топилди. Археологлар топишган тош бино бундан 9 минг йил илгари бунёд этилган. Доира шаклида қурилган бинодан турмуш ва меҳнат қуроллари топилди. Топилмалар қунт билан ўрганилгач, шу нарса аниқ бўлдики, қадимги одамлар балиқчилик ва овчилик билан шуғулланишган. Олимларнинг фикрича, қазиш ишларини яна давом эттириш кичик Осиё ярим ороли тарихида янги саҳифа очиши мумкин.

ЯНГИ ҚОНУН ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Мамлакат президенти Жозе Сарней Бразилияда ўтказиладиган байрамларни нишонлаш тартиби бўйича янги қонунга қўл қўйди. Янги қонунга биноан энди тантанали кунлар фақат душанба куни нишонланади. Чунки шу пайтгача ҳафтанинг ўртасида нишонланаётган тантаналар чўзилиб, мамлакат экономикасига салбий таъсир кўрсатарди. Фақат 1 январь, мамлакат мустақилликка эришган —7 сентябрь ва 25 декабрдаги диний байрам календарь бўйича нишонланади, холос.

Президентнинг 8 йил конгресс муҳокамасида бўлган қарорга қўл қўйишига турли хил фикрлар билдирилмоқда. Айниқса, диний маҳкама ходимлари бу қарорга тиш-тирноқлари билан норозилик билдиришди.

МУЗЕЙ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

Миср пойтахтининг қадимий қисмида жойлашган машҳур Коптс музейини қайта қуришнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу сафар юпқа қоғозларда битилган ноёб асарлар сақланадиган кутубхонани созлаш навбати келди.

Дастлабки қайта қуриш даврида музей биноси ва намойиш залларини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. 5 мингга яқин экспонат қайта тикланди. Намойиш этиладиган экспонатлар сони кўпайтирилиб, улар ҳозирги кунда 30 мингтага етади. Бу ноёб тарихий асарларнинг аксарият қисмини қадимги хоналар ва дин вакилларининг буюмлари ташкил этади.

• Йўлдош Охунбобоевнинг 100 йиллигига

РЕСПУБЛИКАНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ



Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, Ўзбекистон ССРнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевнинг ҳайкали қад кериб турибди. Унинг номи билан колхозлар, театрлар, шаҳар кўчалари, мактаблар, бизнинг юртларни аталмоқда.

Коммунист сифатида Йўлдош Охунбобоевнинг ҳаётни ва фаолиятни жуда алангали бўлди. Халқ иши учун, социализм тантанаси учун курашга у ўзининг бутун куч-ғайратларини аямай сарф қилди.

Йўлдош Охунбобоевнинг ёшлигни жуда қийин кечган эди. 1885 йилнинг ёзида у Марғилон уезди Язвон волости Жўйбозор қишлоғида кўп болали камбағал деҳқон Охунбобо оиласида туғилди. Унинг ғамташвишли болалиги ночорлик ва камбағалликда ўтди. 12 ёшли бола қўлига кетмон ушлаб, отаси ёнида ишлади. Йўлдош 16 ёшга тўлганида эса оила бошига оғир кулфат тушди. Отаси вафот этди. Йўлдош ва унинг укалари бой қўлида батрак бўлиб ишлади.

1916 йил июль ойида Урта Осиёда чор ҳокимияти, бойларга қарши маҳаллий миллат меҳнаткашларининг стихияли қўзғолони авж олди. Йўлдош Охунбобоев бу кўзғолонда актив қатнашди. Деҳқонларни фронт орқасидаги ишларга маҳаллий меҳнаткашларни сафарбар этишга қарши курашга даъват этди. Чор ҳокимиятининг таъқиби туфайли у яшириншга мажбур бўлди.

Ёш Йўлдош Охунбобоев Улуғ Октябрь социалистик революциясини қувонч билан кутиб олди. Революциянинг дастлабки кунларидан бошлабоқ ўзи сингари камбағалларни Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашга уюштирди. Жўйбозор меҳнаткашлари уни қишлоқ Советининг раиси қилиб сайлашди. Бироқ Совет ҳокимиятига қарши ўша даврда босмачи тўдалар ғимирсиб қолган эди. Синфий душманлар томонидан уюштирилган босмачилик деҳқонларимизга озор берар, Фарғона водийсида Совет ҳокимияти қонунларини амалга оширишга тўсқинлик қиларди. Босмачиликни таг-томири билан йўқотиш зарур эди.

Йўлдош Охунбобоев қўлига қурол олиб, босмачиларга қарши жангларда актив иштирок этади. Унинг ташаббуси билан бир қатор қишлоқларда кўнгилли отрядлар ташкил этилади.

1920 йил декабрь ойида у «Қўшчи» союзи Марғилон шаҳар комитети раисининг ўринбосари этиб сайланди. Унга батрак ва камбағаллар бирлашган эдилар. 1921 йил май ойида Йўлдош Охунбобоев Коммунистик партия сафига кирадн. У ўша пайтда ҳали саводсиз эди. 1921 йилда саводсизликни тугатиш курсига киради ва уни муваффақиятли тугаллайди. Кейинчалик ўз маълумотини оширш устида мустақил иш олиб боради.

Гражданлар урушн тугаб, босмачилик тор-мор этилгач, тинч ҳаёт бошланди. Қишлоқда янги ҳаёт қурш керак эди. Йўлдош Охунбобоев дастлабки қишлоқ хўжалик артелларини ташкил этди. Унга камбағал деҳқон ва батраклар бирлашди.

Унинг ташкилотчилик қобилияти Фарғона область партия ташкилотида намоён бўлди. У Марғилон уезд партия комитети аъзоси, область партия ижроия комитети президиумининг аъзоси этиб сайланди. 1924 йилда Йўлдош Охунбобоев Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитети Президиумининг аъзоси бўлди.

1924 йил октябрь ойида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинча миллий сиёсатни амалга ошира бориб, Урта Осиё халқлари миллий-давлат чегараланишини ўтказди. Ўзбекистон ССР ташкил этилди.

1925 йил бошида Марғилон партия ташкилоти Йўлдош Охунбобоевни Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 1925 йил 6 февралда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган I съездига делегат қилиб сайлади.

1925 йил 13—17 февралда республика Советларининг биринчи таъсис съезди бўлиб ўтди. Унинг ишига М. И. Калинин раҳбарлик қилди. Съезд республика давлат ҳокимиятининг раҳбар органи — Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетини сайлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Марказий Ижроия Комитетининг раиси лавозимига Й. Охунбобоев номзодини кўрсатди. Бунда унинг Совет ҳокимиятига, социализм ва коммунизм ғояларига садоқатн, катта ташкилотчилик қобилиятини ҳисобга олди.

Й. Охунбобоев Ўзбекистон ҳокимиятининг олий органи раиси лавозимида ишлаганида ўз характерини ўзгартирганн йўқ. У аввалгидек оддий ва камтарлигича қолди. Доимо халқ ўртасида бўлар, уларнинг тажрибаларини ўрганар эди. Унга калондимоғлик мутлақо ёт эди. Бюрократларни кўрганн кўзи ёр эди. Мансабини пеш қиладиган кишиларни у партиядаги тасодифий кишилар деб ҳисобларди.

Кишилар унга севимли раҳбари сифатида мурожаат қилишардн. Йўлдош Охунбобоевга меҳнаткашлар ва ташкилотлардан турли масалалар бўйича юз минглаб хатлар келган. У давлат ишларн билан жуда банд бўлишига қарамай, уларга жавоб қайтарар, ҳақли талабларни қондиришга интилар, асоссиз эътирозларни эса кескин рад қилар эди.

Й. Охунбобоев деҳқонларнинг турмуш шароитини яхшилашга интилиб, ер-сув ислоҳотини ўтказишга катта эътибор берди. Бу тадбир бой хўжаликларнни тугатишга қаратилган эди.

Хотин-қизлар озодлиги, уларни янги ҳаёт қуришга жалб этиш учун кўп ишлар қилди. Й. Охунбобоев ўзбек хотин-қизларининг озодлиги учун актив курашчи эди. У меҳнаткашлар ҳузурида бу масалалар бўйича тез-тез сўзга чиқарди. Айниқса қишлоқларда хотин-қизларнинг турмушини яхшилашга эътиборни қаратди. Хотин-қиз клубларн, артелларн, болалар боғча ва ясларн ташкил этишга ёрдам берди. Партия ташкилоти Й. Охунбобоевга коллективлаштиришни ўтказиш бўйича катта ташкилотчилик ва пропагандистик ишларни олиб боришни топширди. У республиканинг бир қатор районларида кўпгина колхозларни ташкил этиш таваббускори бўлди. У артель аъзоларн билан далаларда бирга меҳнат қилар, суғориш, ғўзани парваришн қилишнн сифатли ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатарди.

Самарқанд область Пастдарғом районидаги Туркман қишлоғида икки ҳафта мобайнида у деҳқонлар билан бирга қўлнга кетмон олиб, кўриқ ерни ўзлаштиришда жонбозлик кўрсатди.

У деҳқонларга пахта ҳосилдорлигини қандай қилиб ошириш кераклигини амалда кўрсатар, ўзининг дам олиш ва отпуска вақтларида Тошкент область Урта Чирчиқ районидаги Қозоноқдн қишлоғи ёнидаги қумлоқ даладан икки гектар ер олиб, тер тўкиб ишлади. Бу ерда чигит экдн. Агротехникаларнинг илғор усулларнн қўлладн. Юқорн ҳосил кўтардн. Унга оила аъзоларн ҳам ёрдам беришдн. Ернн унинг ўзи шудгор қилиб, ўзи парваришладн. Йўлдош Охунбобоев фақат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришгина эмас, республиканн индустрлаштиришга ҳам катта эътибор берди. У тез-тез завод ва фабрикаларда ишчилар орасида бўлиб, суҳбатлашар эдн. Ишлаб чиқариш масалаларига чуқур кириб борар, ишчиларнинг меҳнат шароитини ўрганар, меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларини қидирарди.

1932 йил 6 майда Йўлдош Охунбобоев Тошкент тўқимачилик комбинати қурилишига бағишланган 30 минг кишилик митингда нутқ сўзлади. Митингдан кейин оқ фартук тутиб, қўлга болға олиб, қурилиш бошлнғи билан биргаликда қандақка тушди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг бўлажак корпуслари пойдеворига дастлабки ғиштларни қўйди. Меҳнаткашларнинг маданий савиясини кўтариш социализм қурилишида муҳим аҳамиятга эга эдн. Й. Охунбобоев олий ўқув юртларн ва илмий-текшириш институтларн бунёд этиш, мактаблар қурish, театрлар очиш тўғрисида мунтазам ғамхўрлик қилдн. Ўзбекистон санъат намояндаларн Й. Охунбобоевни ўзларнинг устозларн деб билишар, доимо унинг қўллаб-қувватлашини, ёрдамини ҳис этиб турishardн. У ижодкорларнинг ишига доимо ёрдам кўрсатардн. Шоир Ғафур Ғулом 1937 йилда унга «Бизнинг президентимиз» поэмасини ва бир қатор шеърларини бағишладн. Шоир Шайхзода эса «Оқсоқол» балладасини яратдн.

Й. Охунбобоев Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг ривожланишини синчиклаб кузатиб борар эдн. У театрни севар, тез-тез спектакларга тушар, янги роман, поэма, шеърларни ўқиб борардн. Уларнинг нуқсонларини кўрсатар эдн. Унинг хотираси зўр эдн.

Й. Охунбобоев ҳақиқий ленинчн коммунист, ҳақиқий интернационалист эдн. У Ўзбекистондаги барча миллат вакилларининг тенг ҳуқуқлилигн принципига риоя қилишишни советларга сайловлар кампанияси даврида шахсан ўзи назорат қилар эдн.

Улуғ Ватан урушн йилларида у душман устидан ғалаба қозонишн учун умумий ишга ўзининг бутун куч-ғайратини аямадн. Кўчирнб келтирилган корхоналар, илмий муассасаларни жойлаштирнш, уларнинг тезроқ ишга бошлаб юборишн учун шарт-шароитлар яратиб бернш, Ўзбекистонга кўчирнб келтирилган гражданларнн жойлаштирнш тўғрисида ғамхўрлик қилиш унинг доимо диққат марказида турди.

1941 йил қишида Москвага душманлар хавф солиб турган бир кезда Й. Охунбобоев бошлиқ Ўзбекистон делегацияси жангчилар учун Ғарбий фронтга совғалар олиб борди. Жангчиларга совғанн топширa туриб, шунн таъкидладики, ўзбек халқи жонажон Москвани қаҳрамонона ҳимоя қилаётган жангчиларга ўзбек халқи қизғин салом йўллашнн унга топширган. Республика меҳнаткашларининг бу совғаси совет халқлари буюк дўстлигининг рамзидир.

Уруш даврида Йўлдош Охунбобоев республика меҳнаткашларн ҳузурида, колхоз, совхоз, завод, қурилишларда тез-тез сўзга чиқдн, ишчилар ва колхозчиларнн фронт орттида фидокорона меҳнат қилишга даъват этдн.

Йўлдош Охунбобоев Буюк Ғалаба кунларигача етиб келолмадн. Тнғиз ва беҳад ишлар соғлнгнни кетказиб қўйдн. У халқ бахт-саодати йўлида жон фидо қилиб, 1943 йил 28 февралда вафот этдн. Йўлдош Охунбобоевнинг ёрқин хотираси софдил коммунист, оташин ватанпарвар, таниқли давлат арбоби, коммунизм ишига содиқ бнлан хизмат қилиш намунаси бўлиб қолади.

Л. ШЕК,
тарих фанлари докторн.



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг астрономия институти коллективи қуёш системасига онд бир қатор илмий кузатишларни олиб боришмоқда. Олимлар ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан қуролланган ҳолда қуёш нурини тинч мақсадларда фойдаланиш борасида дадил илмий ғояларни олдинга суришяпти.

СУРАТДА: қуёш физикаси бўлимининг илмий ходимлари Ш. А. Эгамбердиев ва С. П. Илёсовлар қуёш системасини кузатиш учун ускунани созлашмоқда.

В. Сироткин фотоси.

• Фан ва техника изланишлари, кашфиётлар

ҚАТЛАМНИНГ УСТИ «ҲАВО ЁСТИҒИ»ДА

Шахтёрлар қозоғистонлик олимлар ишлаб чиққан «ҳаво ёстиғини қазиб олинган кўмир қатлами шипини ушлаб турувчи универсал восита, деб эътироф этдилар. Бу резина-корд конструкция қатма-қат пиргога ўхшаб осонгина битта блокка айланади ва қисилган ҳаво билан тўлдирилади. У бир неча секунд ичида бўшаган қатлам шипигача кўтарилади ва уни пухта тираб туради. Қарағанда ва Донбасс шахталарида синаб кўрилган бу янгилик «Артемуголь» бирлашмасининг Горловка заводида кўплаб ишлаб чиқарила бошлади.

Кончилик ишининг бутун тарихида инженерлар кон шипини ушлаб туриш учун кўп хил устун турларини яратдилар: ғўла устунлардан то темир-бетон конструкцияларгача ишлатиб кўрилди. Пластик модда қопланган ёғоч устунлар, шиша тола массасидан ишланган устунлар, пластобетон устун ва бошқа хил устунлар ишлатилмоқда. Лекин уларнинг ҳаммаси пневматик устунлардан анча оғир бўлиб, ўрнатилишига кўп харажат талаб қиладн, баъзида эса ўзнюрар машиналардан фойдаланишни қийинлаштиради.

Қийин кончилик-геологня шароитларида, пастак қатламларни ўйиб олишда пневматик устун айниқса қўл келади. Бундай шароитларда қаттиқ устун ёрилиб кетади ёки тезда ишдан чиқади.

Қарағанда кўмир ҳавзасининг «Абайская» шахтасидаги синовларда пневматик устун ишлатилиши натижасида анча ёғоч, металл ва бошқа материаллар тежаш мумкин бўлди. Кончилар ёқилғи қазиб олиш суръатларини анча оширдилар.

ҒИЛДИРАК ЙЎЛНИ ТАРК ЭТМАЙДИ

Автопокришка белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлгач, йўлга асфальт-бетоннинг таркибий қисми сифатида яна қайтиб келиши мумкин. Белоруссия политехника институти билан «Бобруйскшина» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари ишлаб чиққан ускуна автопокришкани қимматли қурилиш материалига айлантириб беради. Гудрон, қорамой ва бошқа нефть маҳсулотлари шундай чиқитни эритувчи модда бўлмоқда. Уларнинг ёрдами билан юқсак температурада бир жинсли масса ҳосил қилинаяпти. Йўл-йўлакай қозонхона ёқилғиси ҳам ҳосил қилиниб, у шу ернинг ўзида ёқиб юборилади ва бунинг ҳисобига ҳам электр энергия истеъмоли камаяди.

— Бундай установкалар яроқсиз шина ва резина-техника саноати чиқитларидан фойдаланиш проблемасини ҳал этишдан ташқари анчамунча нефтни тежашга ҳам имкон беради, — дейди автомобиль йўлларини қуриш ва ишлатиш тармоқ илмий тадқиқот лабораториясининг ходими Г. Ляхевич. — Юз минг тонна шундай ташландиқ хом ашёни асфальт-бетоннинг қовуштирувчи моддасига айлантириш натижасида бир ярим-икки миллион тонна нефть тежалиши ҳисоблаб чиқилди. Қайта ишлаш қимматга тушмайди, бундай алмаштириш натижасида йўл қопламасининг сифати фақат яхшиланади. Лаборатория синовларининг кўрсатишича, эзилишда асфальт-бетоннинг пишиқлиги бир ярим баравар кўпаяди, унинг паст ва юқсак температураларга бардош бериши ортади. Минскда янги қопламали йўлнинг икки километрли тажриба участкаси шу йил қурилади.

БЎЛАЖАК ЛЕКТОРЛАР УЧУН

Тошкент шаҳар лекторлик маҳоратн ва нотиқлик санъатн университетн 1985-86, 1986-87 ўқув йилларн учун тингловчилар қабул қилади.

Қабул шартлари: университетга билимнинг турли соҳалари бўйича лекция ўқнётган лекторлар, сиёсий ахборотчилар, пропагандистлар, агитаторлар, сиёсий докладчилар, ёш лекторлар мактабининг раҳбарлари қабул қилинадилар. Шунингдек, университет қошида пропагандаиинг техника воситаларини қўллаш факультетн ташкил этилган. Университетда ўқиш муддатн икки йил. Машғулотлар — 1985 йил ноябрь ойида бошланади.

Университетни битирган тингловчиларга гувоҳнома ва дипломлар топширилади.

Университетида олимлар, малакали мутахассислар лекторлик маҳорати проблемалари бўйича лекциялар ўқийди.

Университетга киришни хоҳлаганлар анкета бланкаларини тўлдириши, Уни «Билим» жамиятининг район ташкилотларидан олиш мумкин. Аризалар 1985 йил 10 ноябргача қабул қилинади. Справкалар учун телефон — 56-55-86, 56-49-81.

Университет машғулотлари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида (ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи пайшанба кунлари соат 17 да) ўтказилади.

Университет ректорати.

• Биласизми?

● Москваликлар хоккей матчини биринчи марте телевизор орқали 1951 йил 15 февралда томоша қилган эдилар. Ушанда «Динамо» — «Крылья Советов» учрашуви трансляция қилинган эди.

● Мамлакатимизда биринчи бўлиб челябинскликлар шайба дарвозага киритилганлигини қайд этиб, дарвоза ортида қизил чироқ ёқа бошлаганлар. «Дзержинец» стадионида шайба дарвоза чизиғидан кесиб ўтганлигини қайд этувчи махсус лампочкалар ўрнатилди», — деб ёзган эди ана шу ҳақда «Советский спорт» газетасн 1949 йил 8 январь сонида.

● Чанғида кичик трамплиндан сакраш бўйича биринчи мамлакат чемпионати 1926 йилда Москвада ўтказилган. Ушанда кўрсатилган энг яхши натижа 18,5 метрга тенг эди. Катта трамплиндаги биринчи чемпионат 1940 йилда Красноярскда ўтказилган бўлиб, энг яхши натижа 73 метрга тенг бўлган.

● Чанғида трамплиндан сакраш мусобақалари тарихида Норвегия спортчилари энг кўп муваффақиятга эришган. Улар 12 марта жаҳон биринчиликларида, етти марта қишки Олимпиада ўйинларида ғолиб чиқишган.

● Ленинградлик В. Белоусов совет спортчилари ўртасида биринчи бўлиб олимпиада чемпиони бўлган. У 1968 йилда Гренобльда катта трамплиндан сакраш мусобақаларида олтин медалга сазовор бўлган.

Р. ХУСНУЛЛИНА.

СУНГГИ ТО КОЛОНКА

● ЁШЛАР БАЙРАМИГА АТАБ

Совет Иттифоқи 1924 йилдан бери аъзоси бўлган Жаҳон почта союзи бу йилни ўз ташкилотига бирлашган барча мамлакатларда Халқаро ёшлар йилига бағишланган маркаларни чиқариш билан нишонлашга аҳд қилди. Испания 17 песо қийматига эга бўлган 4 миллион нусхадаги маркаларни чиқаришни хабар қилди. Бу маркалар Испанияда «Ёшлик — 85» выставкаси очиладиган куни муомалага чиқарилади.

● ГУГУРТЛАР МУЗЕЙИ

Жаҳондаги энг катта гугуртнинг баландлиги 7 метр, диаметри 2 метрдир. Швециянинг Йёнчёпинг шаҳридаги гугуртлар музейидаги энг кўзга ташланадиган экспонат ана шудир. 1844 йили Иоганн Эдвард Лундстрём дастлабки гугуртларни ҳозир сиз билан биз биладиган гугуртларга ўхшатиб тайёрлашни йўлга қўйган эди. 1860 йилдан эса тайёрланган гугуртларнинг катта қисми чет элларга экспорт қилина бошлади. Ўшанда Швецияда гугурт ишлаб чиқарадиган 155 та фабрика мавжуд эди. Ҳозирга келиб улардан иккитаси ишлаб турибди. Тадқиқлар ва Ветландаги гугурт фабрикалари маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

● ТОЗА СУВ ТАНҚИС

Ер юзида яшовчи аҳолининг қарийб чораги, яъни 1,2 миллард киши тоза ичимлик сувн билан етарли миқдорда таъминланмаган. Оқибатда ривожланган мамлакатларда ҳар йилн беш ёшгача бўлган салкам 15 миллион бола аввало ифлосланган сувни ичишдан келиб чиқадиган хасталиклар туфайли ҳаётдан кўз юмоқда. Бу маълумотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарининг халқаро ташкилотларнинг инсонпарварлик муҳим масалаларини ҳал этишга кўмаклашиш бўйича режалари муносабати билан эълон қилинган хабарида келтирилди.

● ЕМОН ҚУШНИЛАР... ШАРОФАТИ

Брюсселга яқин бўлган шаҳарчадаги эски уйда яшовчи Йозеф Тайанди деган бир хизматчи истиқомат қиладиган уйидан қўнгироқ жойида. Лекин қўшнилари билан ҳеч муросаси келишмаяпти. Гап шундаки, музиканинг ашаддий ишқибози бўлган икки ёш йигит Йозеф Тайандига ҳеч тинчлик бермай қўйишди. Ўша эсда қолган тунда улар ярим кечадан кейин магнитофонларини ўчириб қўйишни унутишди, Йозефнинг эса эрталаб вақтли туриши жуда ҳам зарур эди. Жаҳлига чидамаган Йозеф қўлига болғани олиб бор кучи билан деворни ура бошлади. Бехосдан девор тепасидан иккита ғишт ва қути кўчиб тушди. Йозеф уни очгач ўзининг хазина эгаси бўлганини англади. Қутининг бутун уст томонлари қадимий тилла танғалар ва қимматбаҳо зеб-зийнат буюмлари билан қопланган эди...

● МИЖОЗДА ЯНГЛИШДИ...

Ғарбий Берлин полицияси 43 ёшли официантнинг камтарона квартирасида 3,3 миллион миқдордаги сохта Америка долларн борлигини пайқаб қолди. Сохта пул ясовчи бундай пулларни ертўлада тайёрлаб шу ернинг ўзидан дўстларн орқали муомалага чиқарар экан. Энг сўнгги марта 225 минг маркага тайёрланиши кўзда тутилган сохта пул — 750 минг доллар ясалмай қолдн. Мижоз жиноий қидирув полициясининг хизматчиси бўлиб чиқди.

(«Тошкент оқшоми» нинг навбатдаги сони 27 июнда чиқади).

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет оқшоми
25 ИЮНЬ, 1985 й.

• Ичкиликбозликка ўт очайлик

МАШИНА РУЛИДАГИ БАДМАСТЛАР

«Совет кишиларининг жуда кўпчилиги спиртли ичимликни истеъмол қилиш катта иқтисодий ва маънавий зиён етказишн, унга жамиятимиз турмушида тоқат қилиб бўлмаслигн хусусида яқдилдирлар».

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида айтилган бу сўзлар партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозлик ва алкоголизмдек социал хавфли иллатни ҳаётимиздан қисиб чиқаришдек оқилона йўлини яна бир бор тасдиқлайди. Спиртли ичимликларни муттасил истеъмол қилиш кишини тубанликка олиб келади. Оиланинг бузилиши, жиноятнинг содир бўлиши, ишлаб чиқариш травматизмининг ўсиши, транспортда авариялариинг содир бўлиши шулар жумласидандир. Булар ҳаммаси арақ ва винога сўзсиз боғлиқдир.

Ҳозирда ичкиликбозлик ва алкоголизм билан кураш бўйича махсус комиссиялар тузилмоқда, жамоат тартибини бузувчилар билан профилактика ишлари олиб бориляпти, ичкиликбозларга маъмурий тартибдаги қатъий чоралар кўрилмоқда, медицина ҳушёрхонасига тушганлар меҳнат коллективларида, турар-жойларда муҳокама қилинмоқда. Ичкиликка муккасидан кетган ўнлаб кишилар қилмишларн учун мукофотлардан, ёзги меҳнат отпусканларидан маҳрум бўлдилар, уларнинг айримлари партия, касаба союз ва комсомол сафидан ўчирилдилар...

Жамиятимиз ҳаётини соғломлаштиришга қаратилган иш қизғин давом этмоқда. Бу вақтинчалик кампания эмас, бу социал касалликка қарши мақсадга мувофиқ йўналтирилган изчил курашдир. Бу қийинчиликни енгиб ўтишимизни вақтнинг ўзи кўрсатади. Ҳеч шубҳа йўқки, шундай бўлади.

Бугунги бизнинг суҳбатимиз ўзининг ичкиликбозлиги билан нафақат жамиятга доғ тушираётган, балки унга катта хавф туғдираётган маълум тонфадаги кишилар тўғрисида боради. Булар маст шофёрлардир.

Маст ҳолда транспорт воситасининг рулига ўтириш учун бир мунча масъулиятсиз бўлишнинг ўзи кифоядир. Замонавий катта шаҳар шароитида ва унинг кўчаларидаги тиғиз транспорт оқимида мастлик туфайли йўл-транспорт ҳодисасига йўл қўйилиши турган гап. Йўлдаги ҳар қандай авария давлатга анча моддий зарар келтиради, одатдагидек кишиларга тан жароҳати етказилади, гоҳида улар қурбон бўладилар. Нима учун айрим раҳбарлар маст ҳолда йўл-транспорт ҳодисасига йўл қўйган ёки давлат автомобиль инспекцияси ходимлари томонидан мастлиги аниқланган шофёрларни ўз ҳимоясига оладилар. Бизнингча «мундир шарафи» каби тушунчани дастуриламал деган ҳолда бундай иш тутиш айни пайтда нафақат яроқсиз ҳол бўлибгина қолмай, балки мутлақо нотўғридир. Ичкиликбозларни қай ҳолатда бўлишига қарамай ҳимоя қилиш мумкин эмас. Бу ҳодим ишбилармонми, малакали шофёрми, биринчи марта рулда ичяптими... барибир. Қилмиши учун жавобгарликдаги улар тарозининг палласини босмаслиги керак. Йўл ҳаракати қоидалари ҳамма учун баробардир.

Оқшомхонларни қаҳрамон шофёрлар билан таништиришдан аввал уларнинг диққатини иккита қизиқарли деталга қаратамиз. Биринчидан, маст ҳолда қўлга тушган кўпчилик шофёрлар — савдо ва умумий овқатланиш соҳаси ходимлари, иккинчидан, уларнинг анчагина қисми спиртли ичимликларни шаҳардан ташқарида айтганларидек, табиат қўйнида истеъмол қилганлар...

● 1 май куни савдо палатасининг катта эксперти **А. Вогодухова** «Д 55-30 ТН» номерли ўзининг «Жигули»часида Қибрай посёлкасига дам олгани жўнади. Тўғри у рулни автомобиль транспорти ва йўллари институти 5-курс студенти **Н. Умархоновга** ишониб топширди. Аммо бўлажак инженер-автомобилчи маст бўлиб чиқди. Бунинг учун автомобилни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Афтидан 1 Май байрамини бу икки автомобиль ҳаваскори жуда хурсандчилик билан бошлаган бўлса, унинг охири эса «вой» бўлди...

● Куйбишев райпишчеторгига қарашли 10-магазин сотувчиси **С. Худойназаров** давлат автомобиль инспекцияси ходимларига ўз характерини намойиш этишга аҳд қилди. «Чимкент» ГАИ постида милиционернинг тўхташ ишорасига бўйсунмай «63-05 ТНН» номерли «Москвич» машинасини елдириб кетди. Қондабузар тўхтатилгач, ниманидир яшираётганлиги маълум бўлди. Худойназаров маст эди. Одатдагидек иш куни Тошкент магазинининг ходими қандай қилиб Чимкентда, яна устигаустак маст ҳолда юрганига ҳайрон бўлмай илож йўқ. Аммо Куйбишев райпишчеторги раҳбарларини бу ҳайратга солмаяпти. Лекин уларнинг ҳайратга тушмаганликларига биз янада ҳайронмиз.

● Фарҳод ярмаркасидаги 1-магазин кичик сотувчиси **А. Тўлагановнинг** оиласида ўғил дунёга келганлиги учун 13 май куни унинг қувончи ҳеч қаерга сиғмади. Бахтли ота фарзанд кўрганлигини шампан билан ювмоқчи бўлди. Улфатларини меҳмон қилиб, ўзи ҳам бир фужер шампан виносини отиб юборди. Агар унинг шахсий «Жигули»си (давлат номери «В 1338 ТН») бўлмаганида эди, ҳаммаси жойида бўларди. Аммо уйига келаётганида йўлда маст шофёр йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан тўхтатилди. Табиийки, шофёрлик гувоҳномасидан айрилди. Ваҳоланки, ёш ота улфатларининг гапига кирмай, сабр қилиб, ичмаслиги ҳам мумкин эди. Айниқса машина рулига кайф ҳолда ўтирганлиги қимматга тушди. Энди Тўлагановнинг ўғли бир ёшга тўлганида яна ўз машинаси рулига ўтиради...

● Ўрта Осиё темир йўли ишчи таъминоти йўл бошқармасига қарашли 1-мактаб-магазин сотувчиси **Т. Солиҳўжаев** ўз «Жигули»сида (79-33 ТНЧ) Янгийўлга бормоқчи бўлди. У ерда эса давлат автомобиль инспекцияси ходимлари томонидан мастлиги аниқланди. Натижада маст шофёр транспорт бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Шу билан бирга нуқта қўйиш мумкин эди. Аммо бундай бўлмади. ГАИ бошқармасига Солиҳўжаевнинг адресига ёзилган магазин директори Ильяев ва касаба союзлари маҳаллий комитети раиси Бегларова имзо чеккан тавсиянома жўнатилди. Унинг раҳбарлари йўл ҳаракати қоидаларн бузувчи ҳақида жуда самимий фикр билдирганлар. Тавсияномада ёзилишича Солиҳўжаев касал эмиш. Шунинг учун шахсий автотранспортга жуда муҳтож эмиш. Нима касаллиги эса кўрсатилмаган. Аммо унинг ичкиликка мойиллиги шундоққина тавсияномасиз ҳам билиниб турибди. Афсуски ишчи таъминоти бошқармасидагилар 1-магазинда «мактаб» қўшимча иншоот борлигини унутганлар, шекилли. Ваҳоланки, бу магазинда бўлажак сотувчилар савдо ишларига ўргатилади ва савдо қиладилар. Солиҳўжаев ёшларни нимага ўргатиши, ўз ўртоқларига ва қўл остидагиларига қандай намуна кўрсатиши мумкин? Нима учун магазин раҳбарлари ўз ходимининг қилмишига принципсизларча қарайдилар?

● «Ташобпотребсоюз» ташқи савдо бошқармаси инспектори **М. Миртолипов**, Фрунзе савдо марказининг 3-филиали сотувчиси **Р. Холиқов**, Чилонзор райпишчеторгининг 30-магазини кичик сотувчиси **А. Раҳимовлар** ҳам ўз машиналарини маст ҳолда бошқараётганларида давлат автомобиль инспекцияси ходимлари томонидан ушланди. Кўрининг турибдики, раҳбар ташкилотлар ўз коллективларида таълим-тарбия ишларини етарли даражада олиб бормаяптилар, КПСС Марказий Комитетининг қарорндан тегишли хулоса чиқариб олмаяптилар. Шуни эсда тутиш керакки, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш бу — бош вазифадир. Буни савдо ва умумий овқатланиш бошқармаларида ҳал этиш керак.

«Ошпазнинг конкурсига келдик» деган телевизион фильм бўларди. Агар шаҳримиздаги умумий овқатланиш ходимлари тўғрисида ана шундай фильм суратга олинганидами, давлат автомобиль инспекцияси ходимлари ҳам бу фильмга худди ана шундай ном берар эдилар. Тўғри «конкурс» сўзи орқали бу ерда спиртли ичимликлар ичувчиларга тегишли истеҳзоли тушунча кўзда тутилган.

● Собир Раҳимов район ошхоналар трестининг 5-ошхонаси бош ошпази **Ф. Болтабоев** Тошкент районидаги «Тошкент» совхозига худди шундай «конкурс»га келди. У ўзининг шахсий «Жигули»сида (55-94 ТНЦ) таширф буюрди. Унинг йўл-патруль хизмати ходимларига айтишича, иштаҳа очиш учун 100 грамм арақ отиб олган экан. «Шеф-повар»нинг иштаҳаси қандай эканлигини билмадик-ку, аммо бу қиттак-қиттаги учун энди жамоатчилик транспортидан фойдаланишига тўғри келади.

● Агар «Шодлик» ресторани ошпази **Б. Акромов** Назарбек посёлкасида бемалол арақ ичиш мумкин деб ҳисобласа, унинг ҳамкасби **Р. Дўстмуҳамедов** эса узоққа бориб ўтирмай шаҳарда ичиш мумкин деб ҳисоблайди. Дўстмуҳамедов София проспекти бўйлаб светофорнинг қизил чирогига бўйсунмай ўтиб кетаётганида ГАИ ходимлари томонидан тўхтатилди. Маълум бўлишича, ошпаз кайф экан. Шундай ҳақли бир савол туғилади: ресторан раҳбарлари ўз ходимларининг маст ҳолда машина бошқаришларини биларминканлар? Агар билсалар нима учун бундай ҳолларга йўл қўйганликлари учун аниқ чора кўрмайдилар?

● Сергели ошхоналар трестига қарашли 4-ошхона қандолатчиси **З. Обидов** олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, ширинликни ёқтирмайди. Акс ҳолда аччиқ арақ ичмасдан, узум, шарбати ёки ликмонад ичган бўларди. Катта ўзбек трактида у ГАИ ходимлари томонидан тўхтатилганда «96-62 ТНЛ» номерли «Жигули» эгаси маст эканлиги маълум бўлди.

● «Турист» кафеси ошпази **А. Илҳомов** дам олиш учун Тошкентдан анча четга чиқиб кетди. У тоғ бағрида, тоза ҳавода ичишни маъқул кўрди. Бунинг учун у Чорвоқ посёлкасини танлади. Аммо ҳудди шу ерда «Жигули» («Б 25-61 ТН») эгаси саёҳатини поёнига етказди. Ўз кайфиятини кўтармоқчи бўлган шофёр ГАИ ходимлари назоратидан қоча олмади. Ҳамза райпишчеторги қадоқловчиси **Р. Қаюмов** бошқараётган «Москвич» («А 36-69 ТН») машинасини йўл-патруль хизмати инспекторн тўхтатганида, у «Пепси-кола» ичдим деб ишонтиришга ҳаракат қилди, аммо медицина экспертизаси шофёр йигит енгилгина ширакайф эканлигини тасдиқлади. Ниҳоят Қаюмов 100 грамм коньяк ичган одим, деб тан олди. Аммо афсуски йўл ҳаракати қоидасини бузувчи кеч тан олди.

Спиртли ичимликлар ичиб йўл ҳаракати қоидаларини бузаётганлар рўйхатини ҳар қанча давом эттириш мумкин. Аммо гап бунда эмас. Энг муҳими шундаки, улар ишлаётган ташкилотларда уларнинг қилмиши принципиал муҳокама қилиниши, уларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмоғи лозим. Бу эса КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига аниқ жавоб бўлади!

Т. ЖЎРАЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИДА

«ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ ҲУЖУМ»

алкоголизмга қарши кураш мавзунда

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР ТЕМАТИК КЎРИГИНИ ЎТКАЗАДИ

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА

25-30 июнда — ФАҚАТ БИР ҚАДАҲ, АЁЛЛАР, ВИНО ВА ТАМАКИ ҲАҚИДА.

«ЎЗБЕКИСТОН ССР 25 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА

25 июнда — ЖАҲАННАМ ЁҚАСИДА.

«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ» КИНОТЕАТРДА

25 июнда — ҚИТТАК-ҚИТТАК.

М. ШАЙХЗОДА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

25 июнда — АЛКОГОЛЬ ВА МЕҲНАТ.

СОБИР РАҲИМОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

25-30 июнда — ФАҚАТ БИР ҚАДАҲ.

«ГУНЧА» КИНОТЕАТРИДА

25 июнда — ЎЗИНГИЗНИ ТИЙИНГ.

ҲАМЗА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

25 июнда — СЕВГИДАН НАФРАТГАЧА.

«ЯНГИОБОД» КИНОТЕАТРИДА

25 июнда — БУЮК ҚАЛЛОБ, ЁКИ МАЙХЎРНИНГ КАЛЛАСИДА НИМА ГАП.

ИНДИРА ГАНДИ НОМЛИ МАДАНИЯТ САРОЙИДА

25 июнда — АЛКОГОЛЬ ВА МЕҲНАТ.

«ЗВЕЗДА ВОСТОКА» КЛУБИДА

26 июнда — ҲАМ ДАВОЛАШ, ҲАМ ТАРБИЯЛАШ КЕРАК.

НОЁБ КИТОБЛАР ОЙЛИГИ

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

29 ИЮНЬ СОАТ 11.00 ДАН БОШЛАБ

«БИБЛИОФИЛИЯ» МАМЛАКАТИГА САЁҲАТ» ДЕБ НОМЛАНГАН ЭСКИ ВА НОЁБ КИТОБЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ

БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ

БУ БАЙРАМНИ «ТАШКНИГА» ВА КИТОБСЕВАРЛАР ЖАМИЯТИНИНГ ШАҲАР ТАШКИЛОТИ ТАШКИЛ ЭТГАН.

Сиз бу байрамда шахсий кутубхоналардаги ноёб китоблар кўргазмаси билан танишасиз, қизиқарли ва ноёб китоблар тўғрисида суҳбатлар тинглайсиз, ўзингизга керак бўлмайдиган китобларни сотишингиз ёки комиссияга топширишингиз, ёҳуд уларни тенг келадиган баҳолардаги китобларга алмаштиришингиз, керакли адабиётларга барвақт буюртмалар беришингиз, тажрибали ноёб китобчиларнинг маслаҳатларини ва ўзингизни қизиқтирган кўпгина саволларга жавоблар олишингиз мумкин.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТЕЛЕФОННИНГ СИФАТЛИ ИШЛАШИ КЎП ЖИҲАТДАН ТЕЛЕФОН АППАРАТИНГИЗНИНГ ТЕХНИКАВИЙ ҲОЛАТИГА БОҒЛИҚДИР.

Агарда сизнинг телефон аппаратингиз носоз бўлиб қолган бўлса, уни ремонт қилдириш учун қуйидаги адресларда жойлашган телефон аппаратлари ремонти устахоналарига мурожаат этингиз:

Ҳамза телефон алоқа узели — София кўчаси (34—АТС), Телефон 34-36-48.

Чилонзор телефон алоқа узели — Чилонзор массиви — 3-квартал, 46-уй (77-АТС). Телефон 77-76-34.

Собир Раҳимов телефон алоқа узели — Қорақамиш массиви, 2/5 Ўрозбоев кўчаси, 21-уй (29-АТС). Телефон 29-56-97.

Ленин ва Куйбишев телефон алоқа узели — Манжара кўчаси, 6-уй (91-АТС). Телефон 91-68-88.

Телефон аппаратлари ремонти устахоналари соат 8.00 дан 20.00 гача, шанба кунлари 9.00 дан 16.00 гача ишлайди.

Якшанба — дам олиш куни.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ БОШ БОШҚАРМАСИ.

«ТАШХЛЕБТОРГ»

НОН ВА НОН-БУЛКА МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА КИЧИК СОТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 18—30 ЁШДАГИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчиларга ўқишнинг 1 ва 2 ойларида 52 сўм 50 тийин, 3 ойда эса 56 сўм стипендия тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Курс талабалари бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ўқишлари ҳам мумкин.

3 ОЙЛИК ЎҚИШ ТУГАГАНДАН СЎНГ ЎҚУВЧИЛАРГА «КИЧИК СОТУВЧИ» МАЛАКАСИ БЕРИЛАДИ ВА УЛАР «ТАШХЛЕБТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА ИШГА ЙЎЛЛАНАДИЛАР.

КИРУВЧИЛАР паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3 та фотосурат (3х4 см. ҳажмда), **меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, сўнгги иш жойидан характеристика, директор номига ариза топширадилар.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Темирязев кўчаси, 28-уй (3, 22, 23, 29-трамвайлар; 19, 89-автобусларнинг «Темирязев кўчаси» бекати). Кадрлар бўлими. Телефонлар 35-41-31, 35-40-31, 35-43-41.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

28 ИЮНЬ СОАТ 20.00 ДА,


29, 30 ИЮНЬ СОАТ 16.00 ВА 20.00 ДА

РЕСПУБЛИКАДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ДАВЛАТ «ЯЛЛА» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Бадиий раҳбар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фаррух ЗОКИРОВ.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан 19.00 гача сотилади.



ТОМАТ ШАРБАТИ РОҲАТБАХШ!

ТУЗ ВА ШАКАР ҚЎШИБ ТАЙЁРЛАНГАН ТОМАТ ШАРБАТИ КИШИНИНГ ИШТАҲАСИНИ ОЧАДИ, БАРДАМ ТУТАДИ, БУНДАН ТАШҚАРИ ТУШЛИК ЁКИ КЕЧКИ ОВҚАТДА ҚЎШИМЧА ТАОМ БЎЛИБ ТАШНАЛИКНИ ЯХШИ ҚОНДИРАДИ.

0,5 ЛИТРЛИ, 1 ЛИТРЛИ, 3 ЛИТРЛИ ШИША БАНКАЛАРДА ТОМАТ ШАРБАТИ СОТИЛМОҚДА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕВА ВА САБЗАВОТ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ (телефон 76-74-22).

КУЧ-ҚУДРАТ ХАЗИНАСИ

САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАР — ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

ВИТАМИНЛАР ВА МИНЕРАЛ МОДДАЛАРГА БОЙ БЎЛГАН САБЗАВОТЛАР ВА ОШКЎКЛАР

ТОМИРЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ,
ИНСОН ТАНАСИНИНГ КАСАЛЛИКЛАРГА БАРДОШЛИЛИГИНИ ОШИРАДИ,
ХОЛЕСТЕРИН АЖРАЛИБ ЧИҚИШИНИ ЯХШИЛАЙДИ.
ҚОН АЙЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ БИР МАРОМГА СОЛАДИ!

Пифагорнинг таърифлашича, карам кишини доимо бардам тутади ва кайфиятини қувноқ ҳамда хотиржам этади.

Боршч ёки дўлмалар тайёрлаш учун албатта карам керак бўлади. Бу неъмат газаклар ва сабзавотли рагунинг лаззатини оширади. У хомлигида ҳам фойдалидир.

300 грамм ошкўк қўшилган салат таркибида инсон бир кеча-кундузда талаб қилиши мумкин бўлган С витаминининг етарли миқдори бор.

Салатнинг янги узилган барги редиска, бодринг ва ошкўклар билан яхши ҳамоҳанг бўлади.

Укроп, петрушка, сельдерей солинган сабзавотли ва гўштли таомлар роятда хушбўй бўлади.

Ошкўклар ва уларнинг илдизлари, шунингдек салатларда, бундан ташқари сабзавотларни тузлаш, мариновка қилиш ва консервалашда жуда ҳам бебаҳодир.

Исмалоқнинг майин барги таркибида ҳам бир талай витаминлар бор. Айниқса тухумли салат тайёрланаётганда у жуда ҳам қўл келади.

Сабзавотли таомларнинг рецептини диққатингизга ҳавола қиламиз:

ЛИТВАЧАСИГА ИСМАЛОҚ БИЛАН ҚИЙМА ҚИЛИНГАН ОМЛЕТ

Исмалоқ яхшилаб чайиб олинади ва суви сиркитилади. Унга сарёғ, қаймоқ, шакар, эланган буғдой уни, туз ва янчилган мурч солиб қориштирилади, беш-олти минут давомида паст алангада қайнатилади.

Хом тухум сутга қорилади, туз солиб яхшилаб ийланади. Ёғ билан қиздирилган товага солинади ва қуюқлашгунча қовурилади. Лекин куйиб кетмаслиги лозим.

Омлетнинг ўртасига исмалоқ масаллиғи қўйилади, иккала томонидан беркитилади ва пирожка шаклида дўлма тугилади. Таомнинг пастки қисми олтинсимон бўлиб қизаргунга қадар қиздирилади. Тарелкаларга қўйиб устидан ёғ сурилади ва дастурхонга тортилади.

Масаллиқ учун 100 грамм исмалоқ, 2 дона тухум, 300 грамм сут, 20 грамм қаймоқ, 10 грамм ун, 15 грамм сарёғ, шакар, туз, мурч таъбга яраша олинади.

КАРАМЛИ ШНИЦЕЛЬ

Бир бош карамни тозалаб, унинг ўртасидаги қаттиқ магзи олиб ташланади ва тузли сувда меъёрига етгунча қайнатилади. Шундан кейин човлида кўтариб олиб, суви сиркитилади. Шундан кейин карамнинг барглари ажратиб олинади (қалин барглар тўқмоқ билан уриб юмшатилади ёки пичоқда майда тўғралади. Ҳар бир япроқ конверт шаклида букланади. Унга қорилади, устидан тухум қуйилади, қотган нон ушоғига қориштирилади ва иккала томони ёғда қовурилади. Дастурхонга устига қаймоқ солинган ҳолда тортилади.

Масаллиқ учун 1 килограмм карамга ярим стакан ун, икки дона тухум, ярим стакан қотган нон увоғи, уч ош қошиғида мой ишлатилади.

ПОМИДОР ГАЗАК

Помидорни икки бўлакка бўлиб туз сепилади, устидан майда тўғралган саримсоқ пиёз қўшилган петрушка ва укроп сепилади. Лаганга сузилади. Ярим соатдан кейин дастурхонга тортилади.

«Ташплодоовошч» бирлашмасининг магазинларида карам, салат, укроп, петрушка, селдерей сотилмоқда.



«ТАШПЛОДООВОШЧ» (телефон 55-98-29).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

КИНО

25 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — **Санъат саройи** (катта зал, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (16, 18.30, 21.00; телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92), **Дружба** (17, 18, 20, 21.30; телефон 66-17-75), **Восток** (16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17, 20.00; телефон 33-44-52).

«КЕЛИНЛАР ҚУЗҒОЛОНИ», «ВОДИЛЛИК КЕЛИН» (ўзбек тилида) — **Чайка** (16, 18.40, 21.10; телефон 77-06-20), **Ватан** (16, 18.30, 21.00).

«СЕНИМИ, ШОШМАЙ ТУР!» (мультфильмлар тўплами, 14-серия) — **Чайка** (11.00).

«КЕЛИНЛАР ҚУЗҒОЛОНИ» **С. Раҳимов номли** (телефон 48-46-71).

«БЛЕФ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02).

«ГЕНЕРАЛ НЕСТЕРОВГА ТОПШИРИЛСИН» — **Хива** (22.00).

«ЭПСОНЛИК ЖЕНТЕЛЬМЕН» — **Хива** (22.00), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ТАШВИШЛИ ТОНГ» — **Восток** (жуфт соатларда телефон 91-14-61).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» (2 серия) — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (16, 18.30, 21.00; телефон 53-65-87).

«ҲУР ҚИЗЛАР» — **Лисунов номли** (17, 20.00; телефон 96-34-02).

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Искра** (18, 21.00; телефон 39-14-59).

«СИНЬОР РОБИНЗОН» — **Тинчлик** (тоқ соатларда).

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

26 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Дружба** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 20.30; телефон 66-15-75), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52).

«КЕЛИНЛАР ҚУЗҒОЛОНИ», «ВОДИЛЛИК КЕЛИН» (ўзбек тилида) — **Чайка** (13.20, 16, 18.40, 21.10; телефон 77-06-20), **Ватан** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«СЕНИМИ, ШОШМАЙ ТУР!» (мультфильмлар тўплами, 14-серия) — **Чайка** (11.00).

«КЕЛИНЛАР ҚУЗҒОЛОНИ» **С. Раҳимов номли** (телефон 48-46-71).

«БЛЕФ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02).

«ГЕНЕРАЛ НЕСТЕРОВГА ТОПШИРИЛСИН» — **Хива** (22.00).

«ЭПСОНЛИК ЖЕНТЕЛЬМЕН» — **Хива** (22.00).

«ТАШВИШЛИ ТОНГ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» (2 серия) — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 53-65-87).

«ВИЙ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ЎЗГА САЙЁРАЛИК АЁЛ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«СИНЬОР РОБИНЗОН» — **Тинчлик** (тоқ соатларда), **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«СОЯБОН ЗАРБИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

СССР биринчилиги учун

28 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ЛОКОМОТИВ» (Москва) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИ КАССАЛАРИДА ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Қимматбаҳо буюмларни 1-ЛОМБАРД (Олмазор массиви) **ва 3-ЛОМБАРД** (Юнусобод массиви)га **1985 йилнинг 1 февралигача топширган гражданлар ДИҚҚАТИГА!**

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЛОМБАРДИ ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ,

Сизларнинг гаров билетларингизда кўрсатилган ломбардлар иши қоидаларига биноан ўз буюмларингизни **1-ИЮЛГА ҚАДАР СОТИБ ОЛИШИНГИЗ ЛОЗИМ.**

Узайтирилган гаров бўйича даволар қабул қилинмайди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЛОМБАРДЛАРИ ХИЗМАТИДАН БАҲРАМАНД БЎЛАЁТГАН ГРАЖДАНЛАР БУЮМЛАРНИ САҚЛАШ ҚОИДАЛАРИГА ЖИДДИЙ РИОЯ ҚИЛМОҚЛАРИ КЕРАК.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ **ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ ТРАНСПОРТ ҚУРИЛИШИ ТАШКИЛОТИГА

Қудуқларни бургиловчилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3 подъезд, 5-хона.

ТВ

сешанба

25 ИЮНЬ

● МТ I

18.00 «Чайковский ҳузурида меҳмонда». Фильм-концерт.
18.25 «Янгроқ барабан ҳақида эртак». Мультфильм.
18.45 «Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Шу куннинг почтаси».
20.00 «БМТ — тинчлик ва хавфсизлик қуроли».
20.20 «Келажак асрга». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 Г. Березко. «Хотиралар кечаси». Телеспектакль.
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 Енгил атлетика бўйича СССР ва ГДР терма командалари матчи.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 Балет артистларининг Москвадаги V Халқаро конкурси. 3-тур. СССР Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади (I-кун). Танаффус пайтида — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
21.30 «Время».
22.05 «Дзори Миро». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз».
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат...»
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ичкиликсиз яшаш учун». Катталар учун мультфильм.
19.55 Телевизион театр. А. Мухтор. «9-палата» (такрорий).
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Партия турмуши» (рус.).
22.45 Ўзбекистон телевидениесининг «Меҳмонхонадаги машмашалар» ҳажвий телефельетонига жавоб берадилар.
23.10 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Ярим соат июнь ойида». Фильм-концерт.
18.20 «Қадрдон ўлка». Телефильм.
18.30 «Бу разведкада бўлган эди». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Абитуриент-85». Иншо қандай ёзилади.
20.50 «Сонетларнинг гўзал маликаси». Фильм-спектакль (рус.).

чоршанба

26 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Грузин хоккейи». Телефильм премьераси.
10.00 Тюмень бадиий коллективларининг концерти.
10.20 «Саёҳатчилар клуби».
11.20 «Келажак асрга». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.30 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 «Мадагаскар бўйлаб». Телеочерк.
16.25 Болалар учун фильм. «Ханжар». 2-серия.
17.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.20 «Халқ ижодиёти». Телекўрсатув.
19.05 Алкоголизмнинг зарари ҳақида ҳужжатли фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Прожектор» Маданият саройининг духовой оркестри чалади.
19.45 «Агар соғлом бўлай десанг». «Сенинг дўстинг — велосипед». 1-кўрсатув.
20.00 «Кураш йилларим». Венесуэла Компартиясининг Бош секретари Х. Фариа туғилган кунининг 75 йиллигига.
20.20 «Келажак асрга». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.00 «Театр мемуарлари».
23.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Нижнекамск варианти». Ҳужжатли фильм.
9.35 С. Орехов чалади (гитара).
10.00 Мактаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати, СССР Олий Советининг депутати, СССР ФА вице-президенти Ю. А. Овчинников билан учрашуви.
10.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
11.10 «Вьетнам анъанавий қўғирчоқ театри». 1-кўрсатув.
11.45 Рус революцион ёзувчиси А. И. Герцен ҳаёти ва ижоди ҳақида кўрсатув.
12.25 «Ўрмон чангалзорида». Мультфильм.
12.45 Аҳолига ёнғиндан сақланиш ҳақида. «Ҳосилни ёнғиндан асранг». Ҳужжатли фильм премьераси.
13.00 «Ҳайвонларни ўргатувчилар». Телевизион бадиий фильм. 6- ва 7-серияларнинг.
13.55 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
14.25 Камер куйларидан концерт.
14.40 Эркин кураш бўйича СССР чемпионати.
15.10 Сузиш бўйича СССР чемпионати.
15.40 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
16.10 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.15 «Туйдук». Ҳужжатли фильм.
19.30 Балет артистларининг Москвадаги V Халқаро конкурси. 3-тур (2-кун). Танаффус пайтида —«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Хўтикча ва оққуш». Мультфильм (ЧССР).
21.30 «Время».
22.00 «Дзори Миро». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
23.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Арарат». 2-тайм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Мактаб манзаралари». Болалар учун фильм-концерт.
10.55 «Ток новдаси ҳақида ўйлар». Телефильм.
11.10 «Бурденко сабоқлари». Ҳужжатли фильм.
11.30 «Виктор Чернишов ҳаётидан уч кун». Бадиий фильм.
13.10 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Нурлан бахти». Мультфильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Мўъжизалар оламига саёҳат» (рус.).
19.10 Й. Охунбобоев туғилган кунининг 100 йиллигига. «Ўз халқининг фарзанди». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ёшлик байрами». Ҳужжатли фильм.
20.00 «Инсон ва қонун».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Қўшиқларим — кўнгил навоси». Музикали-адабий композиция.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Пахта ва тола».
22.25 Телевизион театр. В. Гюго. «Кирол дилхушми» (такрорий).

● ЎзТВ II

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Бизни танлайдиган роллар». Музикали фильм (рус.).
18.55 «Абитуриент-85». Биология.
19.25 «Ёшлик» студиясининг почтаси.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Қария». Телеспектакль. 1-серия (рус.).

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

25 ИЮНЬ, 1985 й.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-78; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р —12351. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.